

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ
ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ**

“ҲИМОЯГА РУХСАТ ЭТИЛДИ”

“Диншунослик ва жаҳон
динларини қиёсий ўрганиш
ЮНЕСКО” кафедраси мудири

_____ т.ф.н., доц Н.Мухамедов

«_____» _____ 2011 йил

Раҳмонов Абдулбосит Усмоналиевич

Мавзу: **НАҚШБАНДИЯ ТАРИҚАТИ РИВОЖЛАНИШИДА
ХОЖА АҲРОРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ**

Таълим йўналиши: 5220400 – Диншунослик

Бакалавр даражасини олиш учун тақдим этилган
битирув малакавий иши

Илмий раҳбар: т.ф.н., доц. Н. Мухамедов

Тақризчи: фил.ф.н., доц. И.Остонақулов

Тошкент-2011

МУНДАРИЖА:

КИРИШ.....	3
I боб. ХОЖА АХРОР ФАОЛИЯТИ ВА ИЛМИЙ-МАЪНАВИЙ МЕРОСИ.....	8
1.1. Алломанинг ҳаёт йўли ва мероси.....	8
1.2. Хожа Ахрор – тинчлик ва сулҳпарварлик валийси.....	14
II боб. ХОЖА АХРОР – НАҚШБАНДИЯ ТАРИҚАТИ НАМОЁНДАСИ СИФАТИДА.....	25
2.1. Хожа Ахрорнинг сўфийлик фаолияти.....	25
2.2. Тасаввуф одоблари ҳақидаги қарашлари.....	32
ХУЛОСА.....	43
Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати.....	47

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Мустақиллик даврида диний қадриятларни тиклаш, буюк аجدодларимиз меросини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш, уларнинг эзгулик, маънавий комилликка чорловчи ғояларини ватандошларимиз, айниқса, келажак авлод қалби ва онгига сингдириш, ёшларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялашда унумли фойдаланиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Мамлакатимизда Имом Бухорий, Имом Термизий, Аҳмад Фарғоний, Абу Мансур Мотуридий, Абдуҳолик Ғиждувоний, Нажмиддин Кубро, Бурҳониддин Марғиноний, Баҳоуддин Нақшбанд ва бошқа алломаларимиз хотирасига муносиб ҳурмат кўрсатилгани, улар қолдирган бебаҳо мерос халқимиз маънавий-руҳий дунёсининг узвий қисмига айланиб бораётгани ҳам буни тасдиқлайди. Маълумки, истибдод йилларида Хожа Аҳрор валий сингари инсонларнинг ҳаёти ва илмий-иждодий меросини ўрганиш, улар қолдирган бой меросдан баҳраманд бўлиш, табарруқ номларини тилга олиш, эслаш амри маҳол эди.

Бугунги мустақиллик кунларига келиб эса, неча асрлардан буён ноёб ақл-заковати, собит эътиқоди, беқиёс инсоний фазилатлари, маслак, эътиқоди ва эзгу амаллари, беназир фазилат-хислатлари эллар, юртлар учун ибрат намунаси бўлиб хизмат қилиб келаятган *«Шайхлар шайхи»* Хожа Аҳрор Валийнинг ҳаёти, илмий фаолияти ва меросига янгича ёндашув, холис тадқиқот ҳам назарий, ҳам амалий аҳамият касб этади.

Бу масаланинг аҳамиятини эътиборга олиб 2004 йил ҳукуматимиз ташаббуси билан Хожа Аҳрорнинг 600 йиллик юбилеи ҳам нишонланганди. Хайрли анъанага айланган, деярли ҳар йили нишонланаётган бундай тантаналарга алоҳида эътибор қаратилишининг чуқур моҳиятини Президент Ислом Каримов қуйидагича ифодалаган эди: *«Энг муҳими, бизнинг ана шу саъй-ҳаракатларимиз бугунги ва келажак авлодларимиз учун, уларнинг маънавий юксалиши, миллий қадриятларимиз, динимиз арконларига муносиб бўлиб, онгли ва мазмунли ҳаёт кечирishi учун беқиёс аҳамиятга эгадир. Бизнинг ўзлигимизни англаш, асрий обидаларимизни, муқаддас*

қадамжоларимизни тиклаш йўлидаги барча ишларимиз замирида айнан ана шу рух, эзгу ният ва мақсадлар мужассам эканини мен яна бир бор такрор айтишини ўринли, деб биламан».

Шу маънода ушбу тадқиқот Хожа Аҳрор Валий ҳаёти, бой маънавий мероси, юксак эзгулик ғояларини илм аҳлига, халқимизга, айниқса, ёшларга етказишда яна бир муҳим қадам бўлади, деб ўйлайман. У зотнинг ўз халқи олдидаги хизматлари олти асрлик тарихимиз ва умумбашарият учун канчалар ардоқли бўлса, бугунги кунимизда, ёшларимизни миллий-маънавий ва диний қадриятлар билан бирга дунёвий билимлар асосида тарбиялашда ўзига хос аҳамият касб этади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хожа Аҳрор валий ҳақида Б.Аҳмедов, Б.Валихўжаев, Н.Комилов, Р.Набиев, Р.Тиллабоев, З.Кутибоев, М.Ҳасаний, А.Жузжоний, К.Каттаев, Э.Каримов каби ўзбек тадқиқотчилари, Н.И.Веселовский, В.Бартольд, А.Л.Кун, А.П.Хорошхин, О.Д.Чехович, П.Вяткин, М.Бродовский ва бошқа кўплаб рус шарқшунослари илмий тадқиқотлар олиб борганлар.

Собиқ шўролар даврида даҳрийлар мафкураси ҳукмрон бўлган шароитда яратилган тарихий тадқиқотларда, айниқса, Р. Набиев, М. Абдураимовнинг асарларида Хожа Аҳрор шахси, фаолияти ва таълимотига нисбатан ўта салбий фикрлар илгари сурилди. Гарчанд О.Д.Чеховичнинг тадқиқотлари туфайли Хожа Аҳрорнинг вақф ёрлиқлари, васиқалари илмий истеъмолга кирган бўлса-да, уларда Хожа Аҳрорни ҳар томонлама қораловчи хулосалар берилган¹.

В.В. Бартольднинг тадқиқотларида бу муаммога икки хил ёндашув мавжуд: бир томондан, Хожа Аҳрорнинг эл-улус манфаати йулидаги саъй-ҳаракатлари эътироф этилса, иккинчи томондан, у Улуғбек даврида ривожланган илм-фан ва маданиятни барбод қилган реакцион кучлар етакчиси сифатида тасвирланади².

¹ Самаркандские документы - ХУ-ХУ1 вв. -М.:Наука, 1974 . -С. 14-28.

² В.В.Бартольд. Улугбек и его время. Соч. Т.2, ч.1, М., 1964 г., с. 167.

Хожа Ахрор ва унинг маънавий меросига мутлақо янгича ёндашувнинг бошланиши шарқшунос Н.А.Болдиревнинг номи билан боғлиқ. Гарчанд олим илгари Хожа Ахрор ҳақида махсус тадқиқот ишини олиб бормаган бўлса-да, бу масалада ўзини «безовта» қилиб келаётган ўйларини далиллик билан ёзди ва тарихий адолатни тиклаш борасида хайрли иш қилди³.

Хожа Ахрор тарихи ҳақида янгича руҳдаги кенг камровли тадқиқотларнинг бошланиши истиқлол туфайли амалга ошди. Натижада ҳақиқат, адолат ва холислик тамойиллари тарихшуносликда устувор йўналишга айланди.

Шунингдек, буюк аллома ҳаёти, фаолияти, асарлари ва таъсири ҳақида бир қанча хорижий тасаввуфшунос ва тарихчилар ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдирганлар.

Америкалик олим Девин Ди Уис ўзининг «Машойихи-турк ва Хожагон: яссавийлик ва нақшбандийлик анъаналари ўртасидаги боғлиқликни қайта англаш» номли мақоласида айтиш икки тариқат вакилларига муносабат билдириш билан бирга, Хожа Ахрор валий ҳақида қуйидаги фикрларни баён этади: «Хожа Ахрор асли тошкентлик бўлиб, Туркистондаги Яссавий валийлари анъаналари билан яқиндан таниш эди. Унинг Яссавий валийларига муносабати яхши бўлган. Жумладан, Исмоил Ота ва Занги Оталарнинг қабрларини тез-тез зиёрат қилиб турган. «Рашаҳот»да ёзилишича, Хожа Ахрор Яссавий шахсига юксак ҳурматда бўлиб, унинг анъанасига катта қизиқиш билан муносабатда бўлган. Ушбу асарда, унинг Яссавий шайхлари томонидан амалга оширилган «зикри арра»га муносабати икки кўринишда ўз аксини топган»⁴.

Жо Ан Гросс эса, нақшбандийлик тариқати ва унинг XIV асрдан кейинги даврда тарқалиши ва нақшбандий шайхлари ҳақида махсус мақолалар

³ Н.А.Болдирев. Ещё раз к вопросу о Ходже Ахраре. В сб. «Духовенство и политическая жизнь на Ближнем и Среднем Востоке в период феодализма. М., 1985 г. стр. 47-63.

⁴ Devin de Weese. The Mashaikhi turk and the Khojagon: Rethinking the Links between Yasavi and Naqshbandi Sufi Traditions. – Journal of Islamic Studies, 7:2 (1996). Pp. 180-207.

яратган. Бу мақолалар Хожа Аҳрор валий таълимотини ўрганишда муайян илмий вазифани бажарган.

Шунингдек, ўзбек олими Бахтиёр Бобожоновнинг француз тилида чоп этилган «Дастлабки шайбонийлар даврида нақшбандийлик»⁵ номли мақоласида Хожа Аҳрор валийга шайбонийларнинг муносабати ҳақида мулоҳазалар билдирилган. Мақоланинг умумий мазмунидан шу нарса англашиладики, шайбонийлар ҳокимиятининг дастлабки даврида улар Хожа Аҳрор валий шахсиятига алоҳида эътибор қаратганлар.

Битирув малакавий ишининг мақсад ва вазифалари. Мазкур тадқиқот ишини ёритишдан мақсад Хожа Аҳрорнинг ҳаёти ва фаолиятини тадқиқ қилиш ва Нақшбандия тариқати ривожланишида унинг тутган ўрнини кўрсатишдан иборатдир. Шунингдек, ўз даврида аҳли тариқат пешвоси, яхшиларнинг қутби ва авлиёси, халқнинг раҳнамоси ва ғамхўрига айланган бу бетакрор шахс ҳақида бир неча манбалардаги қимматли маълумотларни таҳлил қилиш кўзда тутилган.

Мазкур мақсадни амалга оширишда қуйидаги омиллар вазифа сифатида илгари сурилди:

- алломанинг ҳаёт йўли ва меросини атрофлича ўрганиш;
- Хожа Аҳрорни тинчлик ва сулҳпарвар эканини очиб бериш;
- Нақшбандия тариқатининг йирик намояндаси сифатидаги фазилатларини кўрсатиб бериш;
- тасаввуф одоблари ҳақида Хожа Аҳрор қарашларини тадқиқ этиш.

Шунингдек, жамият ривожига тасаввуф таълимотидаги умуминсоний ғоялардан ҳам фойдаланиш анъана тусини олмоқда. Нақшбандия тариқатининг йирик вакили Хожа Аҳрор Валий баркамол шахсни маънавий юксалтириш масалаларига доир фикрлари таҳлил қилинди.

⁵ Bakhtiyar Babajanov. La Naqshbandiyya a l'époque des premiers Sheybanides. – Cahiers d'Asie Centrale. № 3-4, pp. 69-90.

Тадқиқот натижаларининг аҳамияти. Битирув малакавий ишида Хожа Ахрорнинг ҳаёти, фаолияти билан боғлиқ маълумотлардан унумли фойдаланилди. Хожа Ахрорнинг нашр этилган асарлари, баъзи асарларининг қўлёзмалари, аллома ҳақида ёзилган маноқиб ва тазкиралар билан танишиб чиқилди. Тадқиқот натижаларидан юртимиз алломалари, хусусан, Хожа Ахрор илмий фаолияти ҳамда унинг нақшбандия тариқатида тутган ўрнига доир маълумотлардан фойдаланиш мумкин.

Битирув малакавий ишининг таркиби. Битирув малакавий иши кириш, икки бобдан ташкил топган асосий қисм, хулоса ҳамда фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхатидан иборат.

I боб. ХОЖА АХРОР ФАОЛИЯТИ ВА ИЛМИЙ-МАЪНАВИЙ МЕРОСИ

1.1. Алломанинг ҳаёт йўли ва мероси

Кўхна тарихимизда шундай шахслар ўтганки, улар ўзларининг сермазмун ҳаёти, ибратли фаолияти, маънавий-маърифий ўғитлари билан эл-юрт манфаатлари йўлида куч-ғайратини, керак бўлса, ҳатто, мол-мулкини ҳам аямаган. Ана шундай зоти шарифлардан бири Хожа Аҳрор Валий (1404-1490) ҳазратлари ҳисобланади.

XV асрнинг йирик тасаввуф арбобларидан бўлган Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор валий – нақшбандия тариқатининг кўзга кўринган муршиди бўлиш билан бирга ўз замонасидаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва мафкуравий ҳаётида катта из қолдирган арбоблардандир. Ўз даврида унинг шуҳрати фақат Мовароуннаҳрдагина эмас, балки Хоразм, Дашти Қипчоқ, Хуросон ва Ҳиндистонгача бўлган кенг жуғрофий минтақада таралган эди. Алишер Навоийнинг таъбири билан айтганда эса, Шарқий Туркистон (Хитой)дан то Туркиягача бўлган кўп давлатларнинг халқи ва подшоҳлари Ҳазрати Хожанинг «махкуми ҳукми»да эдилар⁶.

Темурий ҳукмдорлар султон Абу Саъид мирзо ва унинг ўғли султон Аҳмад мирзолар қошида Хожа Аҳрорнинг обрў-эътибори шунчалик баланд эдики, улар ўз муршидларининг маслаҳатларидан баҳраманд бўлмай туриб, бирор бир масалани ҳал қилишга шошилмас эди. Шу билан бирга, машҳур мутафаккирлар Мавлоно Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоийлар у зотга нисбатан жуда катта ихлосу ҳурматда эдилар.

Хожа Носируддин Убайдуллоҳ Аҳрор валий 806 ҳижрий йилининг рамазон ойида (1404 йил, мартда) Шош (Тошкент) вилояти Бўстонлик ноҳиясининг Боғистон мавзеида, машҳур Шайх Хованди Тохур хонадонидан бўлган Хожа Маҳмуд оиласида дунёга келган⁷.

Болалигидан шайхлар хонадонига монанд тарбия кўрган ёш Хожа Убайдуллоҳ 1427 йилда Самарқандга келиб, Мавлоно Қутбиддин Садрнинг

⁶ Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. Мукаммал асарлар тўплами. 17- том. -Т., 2001. -Б. 279.

⁷ Ҳалимов Фирдавс. Хожа Аҳрор Валий ва унинг «Рисолалар тўплами». -Самарқанд, 2004. -Б. 7.

кигиз бозорда жойлашган мадрасасида таҳсил кўра бошлайди. Аммо мадраса ўқиши ниҳоясига етмайди. Хожа Убайдуллоҳ қўл олиб иршод ҳуқуқини берувчи пир ахтариб 1428 йилда Ҳирот шаҳрига бориб, тўрт йил машҳур мутасаввуф Сайид қосими Анвор Табризийнинг даргоҳида кўним топади. Ҳиротдаги фаолияти ҳам уни қониқтирмай, Чағониён мавзеида яшовчи Мавлоно Яқуби Чархий (яъни, Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг шогирди) билан танишади ва унга қўл бериб, халифа-шогирд тушади⁸.

Она юрти Шошга (Тошкентга) 1432 йилда қайтган Хожа Убайдуллоҳ халқ орасида нуфузи ошиб, тоат-ибодат ва деҳқончилик билан машғул бўлади. Халқ орасида анча танилгандан сўнг 1450 йилда Самарқандга келиб, ҳукмдор Абдулло мирзонинг (Улуғбекнинг куёви ва жияни) қабулига кирмоқчи бўлади. Хожа унга шариатни мустаҳкамлаш йўлида ёрдам ва йўл-йўриқ кўрсатмоқчи эди. Лекин Абдулло мирзо Хожа душманларининг маслаҳатига кириб, уни қабул қилмайди⁹. Хожа Убайдуллоҳ чорасиз Тошкентга қайтиб кетади.

Орадан бир ой ўтгач, Абу Саъид мирзо (Мироншоҳнинг набираси) Туркистондан келиб, Хожа Убайдуллоҳ билан Тошкент ва Паркентда учрашишади. Абу Саъид мирзо Хожанинг маслаҳати ва дуоси ёрдамида Самарқандни босиб олади. Сўнгра Хожа Убайдуллоҳни ҳам расмий равишда Самарқандга таклиф этади¹⁰. Ўша вақтда Самарқанд шайх ул-исломи бўлиб турган Хожа Мавлоно ибн Исомиддин бошчилигидаги руҳонийлар Хожа Убайдуллоҳни саройга келганлигидан норози бўлишиб, уни камситишга ҳаракат қиладилар. Лекин Хожа Убайдуллоҳ ўзининг тариқий зукколиги билан улардан устун эканлигини намоиш этади. Шундан сўнг Хожа Аҳрор валий¹¹ номини олиб, нафақат Мовароуннаҳрда, балки бошқа юртларда ҳам машҳур бўлади. Шундай қилиб, Ҳазрати Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор валий

⁸ Раззокова М. Хожа Аҳрорнинг устози – Яқуб Чархий (Илмий-амалий анжуман маърузалари тезислари). Т., 2004. Б. 54.

⁹ Ҳайит, Тўлкин. Улуғбекнинг ўлдирилишида Хўжа Аҳрорнинг қўли борми? («Ғойиблар хайлидан ёнган чироқлар» мақолалар тўплами). Т.: «Ўзбекистон». 1994. Б. 250.

¹⁰ Валихўжаев Б. Хожа Аҳрор Валий ва Темурийлар (Илмий-амалий анжуман маърузалари тезислари). Т., 2004. Б. 10.

¹¹ Халқ уни «покиза ва донишманд хожамиз» деб эъзозлай бошлаганидан шундай ном билан машҳур бўлган.

Самарқандда диний фаолиятдан ташқари мамлакатнинг сиёсий ва ҳарбий ишларига ҳам халқ манфаати йўлида ижобий таъсирларини кўрсатиб келган.

Нақшбандия тариқатининг буюк муршидларидан бири бўлган Хожа Аҳрор валийнинг нутқи, амру маъруфлари ва ўз ўрнида айtilган рубоиётлари одамларни ром қилар, шаръий илми фикҳ соҳасидаги ҳукмлари ҳуқуқшуносларни лол қолдирар, Қуръон тафсири ва ҳадисларга доир ривоятларга бой илми ўша давр олим ва тарихчиларини шу даражада таажжублантирар эдики, мадрасани ҳатто ҳатм қилмаган бу зотнинг шунчалик олимлигини кўрганлар: “Худонинг унга берган инояту карами”, деб билганлар¹².

Ҳазрати Хожа Аҳрор шахсиятига катта ҳурмат ва эҳтиромда бўлишган замон муаллифлари унинг таърифу тавсифларини катта кўтаринкиликлар билан ёзишганлар. Жумладан, буюк мутасаввуф олим ва шоир Мавлоно Абдурахмони Жомий ўзининг «Нафаҳотул-унс» асарида¹³, улуғ мутафаккир Алишер Навоий «Мажолисун-нафоис» асарида¹⁴, Фаҳриддин Али Сафийнинг «Рашаҳот айнил ҳаёт» асарида¹⁵, Ҳофиз Танишнинг «Абдуллонома» асарида¹⁶, Яссавия тариқатининг муршиди Олим Шайх Азизон ўзининг «Ламаҳот мин нафаҳотул-қудс» асарида¹⁷, темурий буюк шоир ва саркарда Бобур мирзонинг набираси шахзода Доро Шуқуҳ ўзининг «Сафинатул-авлиё» асарида¹⁸, Носириддин Бухорийнинг «Тухфатуз-зоъирин» асарида¹⁹ ва бошқа муаллифлар асарларида Ҳазрати Хожанинг сифатлари ҳақида жуда кенг, ҳар томонлама сермазмун ҳамда илмий аҳамиятга молик сўзларни айтиб ўтишган.

Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор валий кўплаб халифаю шогирдларни тарбиялаб, иршодлар бериб халқни тариқий ҳидоятга бошлашга йўллаган.

¹² Каттаев К. «Гулистон» журнали. №3, 1991 йил март.

¹³ Жомий, Абдуррахмон. Нафаҳот ул-унс. Лакҳнав-Ҳиндистон нашри, 1910. -364 б.

¹⁴ Навоий, Алишер. Мажолис ун-нафоис. -Т.:Фан, 1961. –Б.153.

¹⁵ Фаҳриддин Али Сафий «Рашаҳот». -Т.:Абу Али Ибн Сино, 2003. –Б.67.

¹⁶ Ҳофиз Таниш Бухорий. Шарафномаи шоҳи-Абдуллонома, Т., «Фан». 1966 йил, 107 б.

¹⁷ Олимшайх Азизон. Ламаҳот. Т., Ғулом Ҳусайн чопхонаси, 1327/1908. Б. 87-88.

¹⁸ Доро Шуқуҳ. Сафинатул-авлиё, Лакҳнав-Ҳиндистон чопаси, 1900. Б. 80-81.

¹⁹ Бухорий Носируддин. Тухфатуз-зоъирин. Бухоро чопаси, 1909. Б. 59-60.

Ҳазрати Хожа Аҳрор валийнинг ўзлари жуда хушсурат ва хулқу атворлари ҳам жуда гўзал бўлган. Тарихчи Абу Тоҳирхожа ибн Абу Саъид Самарқандийнинг “Самария” китобида ёзилишича: “Хожа Аҳрорнинг ўзига жалб қилувчи оҳанграбоси шу даражада кучли эдики, унинг ширинсухан суҳбатлари умрбод эсда қоларди”²⁰.

Ҳазрати Хожа Аҳрорнинг Самарқанддаги асосий қароргоҳи Хожа Кафший деб аталадиган мавзенинг шарқий қисмида бўлиб, бу ерда оиласи билан турадиган ҳовли, хонақоҳ, масжиди бор эди. Шунинг билан бирга Ургутнинг Камонгарон, Оқдарёнинг Лойиш ва Самарқанд туманининг Мотурид қишлоқларида дала ҳовлилари ҳам бўлган.

Ҳазрати Хожа Аҳрор 86 ёшда (ҳижрий ҳисобда 89 ёшда) эканида 1490 йилда Камонгарондаги дала ҳовлисида оламдан кўз юмган. Васиётига кўра, жасади Самарқанднинг Хожа Кафший мавзеидаги турар жойида дафн этилган. Шундан сўнг бу жой Хожа Аҳрор номи билан ҳозиргача аталиб келинмоқда.

Хожа Аҳрор валий Амир Темур тузган улкан салтанат парчаланаётган, теурий шахзодалар ўртасида тожу тахт учун кураш авж олган таҳликали ва ўта мураккаб даврда яшади. Шиддатли курашлар, хунрезликлар оқибатида эл-улус осойишталиги бузилди. Натижада кўплаб шаҳар ва қишлоқлар ҳаробага айланди, экин майдонлари пайҳон бўлди. Мана шундай шароитда Хожа Аҳрор эл-улус ва фуқаролар манфаатини кўзлаб, сиёсий воқеаларда иштирок этишга мажбур бўлди.

Гарчанд Нақшбандия тариқатига мансуб бўлган солиқлар сиёсатдан узоқ туришни афзал кўрган бўлсалар-да, Хожа Аҳрор бу анъанани бузди. Сиёсий воқеаларга муносабат билдиришга ўзини бурчли ҳисоблади.

Хожа Аҳрорнинг султон ва подшоҳлар билан мулоқотда бўлиши шунчаки юксак мартаба, шахсий манфаат ва шуҳрат кетидан қувиш учун эмас, балки оддий фуқаролар манфаатини ҳимоя қилиш, золимларнинг зўравонлиги ва бебошлигини жиловлаш учун зарур эди. Хожа Аҳрорнинг

²⁰ Мерос (тўплам). Т., «Камалак», 1991. Б. 49.

фикрича, «мазлум ва мухтожларга ёрдам бериш, мусулмонларни жабр-зулмдан ҳимоя қилиш учун подшоҳларга йўл топмоқ даркор»²¹. Хожа Аҳрор тасаввуфдаги масалаларни янгича руҳ-да талқин қилган. У шундай деган эди: «Бизга қадар шайхлар авом халқ ишлари бўйича амирлар ва подшоҳларга илтимос билан мурожаат қилмаганлар. Биз ўз вақтимизни шунга сарфламоқдамиз»²².

Хожа Аҳрор сиёсий фаолиятининг бошланиши ва такомили бир неча йилларни ўз ичига олади. Хожа Аҳрорнинг дастлабки ижтмоий-сиёсий фаолиятининг бошланиши 1454 йилга тўғри келади. Ўша йили Абулқосим Бобур кўшинлари Самарқандга бостириб келганида, шаҳар мудофаасини ташкил қилиш ва душманнинг режаларини барбод қилишда Хожа Аҳрор ўзининг зукко сиёсатдонлигини кўрсатган. Унинг сиёсий донишмандлиги 1470 йилда Султон Маҳмуд кўшинининг Самарқандга уюштирган ҳужумининг мағлубият билан тугашида тўла намоён бўлди.

Хожа Аҳрор бир умр сиёсий ихтилофлар, можаролар гирдобиди бўлди. Эл-улусга меҳру муҳаббати туфайли сиёсий воқеалардан ўзини четга олмайди, ўз ҳаётини хавф-хатарга қўйиб жанггоҳларда юришга мажбур бўлди. 1485 йилда Хожа Аҳрор Аҳмад мирзо, Умаршайх мирзо ва Султон Маҳмудхон ўртасидаги адоватни бартараф этиб, уларнинг тотувликка эришишини таъминлади. Хожа Аҳрор Алишер Навоийга йўллаган мактубида вазирдан Хуросондаги темурийзода шахзодалар ўртасидаги адоватларни бартараф этишда саъй-ҳаракатларини аямаслигини сўраган²³.

Хожа Аҳрор кескин ва таҳликали ҳолатларда сиёсий донишмандлик салоҳиятига эга бўлган зот эди. Унинг сиёсий фаолиятининг қамрови ниҳоятда кенг бўлган. Хожа Аҳрор подшоҳларнинг сиёсат юргизишида, хусусан, солиқ ва тўловлар масаласида инсоф ва адолат мезон бўлишига тарафдор эди. Хожа Аҳрор валийнинг маънавий меросини табаррук қўлёзма

²¹ Муҳаммад қози. Силсилат ул-орифин. ЎзР ФА Шарқшунослик институтининг 4452/1 рақамли қўлёзмаси, в.68^б).

²² Ўша асар, в.74^а.

²³ ЎзФА Шарқшунослик институти, 4245 рақамли қўлёзма.-Б. 201.

манбалар асосида мукаммал ўрганиш натижасида унинг ижтимоий-сиёсий фаолиятига тўла ойдинлик киритилади.

Хожа Аҳрор валий XV асрнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётида катта из қолдирган, нақшбандийлик тариқатининг йирик намояндаси ва назариётчиси бўлган азиз сиймолардан биридир. Ўша даврнинг олиму уламолари, адиблари Фазлуллоҳ Абуллайс Самарқандий, Саъдиддин Кошғарий, Сайид Қосим Анвор, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий ва бошқалар Хожа Аҳрорни «Каъбаи мақсуд» (муродлар каъбаси), «Муршиди офоқ» (ёруғлик йўлини кўрсатувчи пир, устоз) деб эътироф этганлар, унга бағишлаб, шеърлар, дostonлар, рисола ва бошқа асарлар ёзганлар.

Алишер Навоий “Насойим ул-муҳаббат” асарида Хожа Аҳрор валийни ҳали тириклик чоғларидаёқ зикр этиб, «Хожа Убайдуллоҳнинг сўзлари шунчалик чуқур ва шунчалик буюқдирки, уларни тушуниш учун менинг фаҳмим ва идроким ожизлик қилади»²⁴, - дея бу кишининг тасаввуфда буюк эканини таъкидлаган. Алишер Навоий ўз шахсий ҳаёти ва фаолиятида Хожа Аҳрор валий тарғиб этган гўзал ахлоқий фазилатларга амал қилгани у зотнинг нақадар мўътабар инсон бўлганлигини кўрсатади.

Хожа Аҳрор валий жуда катта мол-мулк, ер майдонига эгалик қилган, ўз ихтиёридаги ерлардан деҳқон-чорвадорларга фойдаланишлари учун берган, хунармад ва тижорат аҳлининг манфаатларини ҳимоя қилиб қелган, ўз мулкидан халққа солинган солиқларни тўлаган, мадраса, хонақоҳ, масжид, шифохоналар қурдирган. Шу билан бирга ушбу ишоотларни таъмирлаш, у ерда ишловчи ва яшовчи муаллим ва толибларни моддий жиҳатдан таъминлаш мақсадида ерларини вақф қилдирган. Унинг ўзи бунинг сабабини қуйидагича тушунтиради: «Биз ҳаёт эканмиз, биродарларимиз тирикчилик ташвишини тортмасинлар. Вақф қилинган жойлардан олинадиган даромадларни ейиш-ичиш билан қаноатланиб қолмай, балки хожагон

²⁴ Навоий Алишер. Насойим ул-муҳаббат. Мукаммал асарлар тўплами, 17-том. -Т., 2001.-Б. 279.

тариқати сирларини ҳам чуқур ўрганиб, бир-бирларини баҳраманд этсалар, токи, ғайб олами асроридан файз топсалар»²⁵.

Хожа Аҳрор валий бадий адабиёт билан, айниқса шеърият билан яқиндан ошно бўлган. У йирик тасаввуфчи шоир Абу Сайд Абулхайрининг бир рубоийсига шарҳ ёзиб, уни «Рисолаи Ҳавроия» деб номлаган. У кўпинча сўзлаганда (сухбатларида) фикрини ифодалаш учун ўз бошидан кечирганларини бадий ифодалаган, Шарқ шеъриятдан мисоллар келтирган, гоҳо эса уларни ўзи тўқиган. Бундай шеърий парчалар унинг шогирдлари Фахруддин ас-Сафийнинг «Рашаҳот», Муҳаммад қозининг «Силсилат ул-орифин» асарларида кўплаб келтирилган.

Шундай қилиб, Хожа Аҳрор валийнинг фаолияти мағзини инсонларга ғамхўрлик қилиш ва хизмат қилиш ташкил этади. У зот мураккаб бир замонда яшаган бўлишига қарамай, эл-юрт манфаати ва раъият ташвишини ҳамма нарсадан устун қўйган. Хожа Аҳрорнинг эзгуликка йўғрилган умри, дину диёнат ва дунёни баравар назарда тутиб, ободончилик, илму маърифат ривожини учун қилган ишлари, ғоялари биз учун сабоқ ва ибратдир.

1.2. Хожа Аҳрор – тинчлик ва сулҳпарварлик валийси.

Мўғулларнинг қарийб икки асрлик истибдоди даврида таназзулга юз тутган илм-фан ва маданиятимиз Амир Темурнинг буюк ислохотчилик сиёсати туфайли Мовароуннаҳр ўзининг кўҳна шуҳратини яна тиклади. Бироқ, Соҳибқирон вафотидан сўнг темурийзодалар ўртасида сиёсий низолар, тожу тахт учун курашлар авж ола бошлади. Шундай бир пайтда элу юрт тақдири, халқ манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Хожа Аҳрор майдонга чиқади²⁶. У халқ тақдири учун қайғуриш, султонларни адолатга чақиришни нақшбандия тариқати суфийларининг бурчи эканлигини уқтирган: «Бу замонда подшоҳлар ҳузурига бориб, мазлумлар ва

²⁵ Фахриддин Али Сафий «Рашаҳот». -Т.:Абу Али Ибн Сино, 2003.

²⁶ Қаранг: Сирожиддинов Ш. Нақшбандия тариқати: тарихий жараён ва моҳият // Тошкент ислом университети илмий-таҳлилий ахбороти. № 2, 2003. -Б.13-14.

хожатмандларнинг мушкулини осон қилишдан яхши хислат бўлмас. Шунга эришмоқ лозимки, бир мазлумнинг арзини султонларга етказиб, унга мададкор бўлиш, адолатсизлик ҳамда зулмни бартараф қилиш учун барча куч ва ғайратни аямаслик керак»²⁷.

Султон Абу Саъид Мирзо ва унинг ўғли Султон Аҳмад Мирзо хукмронлиги даврида Хожа Убайдуллоҳнинг мавқеи ошади. Чунончи, бу даврга келиб, Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг турли шаҳар, қишлоқларида Хожа Убайдуллоҳга қарашли мол-мулк, ер ва катта бойликлар вужудга келади. Абу Саъид Мирзонинг фармони билан Хожа Убайдуллоҳга қарашли ер ва мулкдан ушр (ўндан бир) миқдорда солиқ олинарди, холос. Бошқаларнинг ер ва мулкларидан эса унга қўшимча яна бошқа солиқлар ҳам ундириларди. Бу эса деҳқонларни ниҳоятда қийин аҳволга солиб қўярди. Шунинг учун кўпчилик деҳқонлар ерларини Хожа Убайдуллоҳга назр қилиш билан унинг номига ўтказардилар-у, ўзлари ўша ерларда ишлашни давом эттиришарди. Натижада ортиқча солиқлардан халос бўлишарди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома»сида куйидагича ёзганлари ҳам шу маънода бўлса керак: «Ҳазрати Хожа Убайдуллоҳнинг мутааллиқлариғаким, бурун харж ва таҳмилларда кўп фақир ва мискин аларнинг ҳимояти билан зулм ва тааддидин халос бўлурлар эрди». Хожа Убайдуллоҳ ўз ихтиёридаги ер ва мулкдан келадиган даромадларни халқ бошига солинган ортиқча солиқларни тўлашга, мадраса, масжид, хонақоҳ ва бошқа қурилишларга сарфларди. Хусусан, Умар Шайх Мирзо Шош (Тошкент) аҳолисидан 250 минг динор ҳажмида солиқ талаб қилганида, Хожа Убайдуллоҳ бу солиқнинг ҳаммасини ўзи тўлаб, яна қўшимча тарзда 70 минг динорни ҳам солиқ тўловчиларга топширган²⁸. Буларнинг барчаси меҳнаткаш аҳоли назарида Хожа Убайдуллоҳнинг сахий-қўли очиқ ва покиза шахс сифатида намоён этарди ва уни Хожаи Аҳрор деб улуғлашарди.

²⁷ Валихўжаев Б. Хожа Аҳрор Вали. -Самарқанд, 1993. -Б. 76.

²⁸ Валихўжаев Б. Хожа Аҳрор тарихи. -Т.: Ёзувчи, 1994. -Б. 70; Яна қаранг: Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Табаррук рисоалар / Нашрга тайёрловчилар: М.Ҳасаний, Б.Умрзоқ, Ҳ.Амин. -Т.: Адолат, 2004. -Б. 169.

Хожа Аҳрор қаламига мансуб уч рисола бизгача етиб келган. Улардан бири «Фақарот ул-орифин» («Орифлар сўзларидан парчалар») номи билан машҳур бўлиб, унда Хожа Аҳрорнинг ва баъзи бошқа тасаввуф намояндаларининг тариқатга оид фикрларидан намуналар келтирилган. Иккинчи рисола - «Волидия»²⁹ («Отага бағишлов») деб аталган бўлиб, унда тариқат йўлига кирган кишининг одоб-ахлоқи, фақр ва фано тушунчалари ҳақида сўз боради. Ушбу рисолани Заҳириддин Муҳаммад Бобур форс тилидан ўзбек тилига шеърӣ таржима қилган. Учинчи рисола – «Ҳавроия» деб аталиб, машҳур мутасаввиф шоир Абу Саъид Абулхайрнинг «Ҳавро» («Хурлар» ёки «Фаришталар») сўзи билан бошланувчи бир рубоийсини шарҳлашга бағишланган.

Қуйидаги алломанинг рисолаларига тўхталиб ўтамиз.

Рисолалари. Хожа Аҳрор валий нақшбандия тариқатини ривожлантириш борасида фақат оғзаки тарғиботчигина бўлиб қолмай, балки бу соҳада бир неча муҳим асарларнинг муаллифи ҳамдир. Ҳали кўпчиликка маълум бўлмаган ва ЎзР ФА Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар хазинасида сақланаётган бу асарлар қуйидагилардан иборатдир:

1. «Рисолаи ҳавроийя» (*Хурлар рисоласи*). Ушбу асар "Қутбу-л-авлиё" лақаби билан танилган. У тасаввуф шайхларидан Абу Сайд Абу-л-Хайр (ваф. 440/1048 й.) қаламига мансуб машҳур бир рубоийнинг шарҳига бағишланган. Шунинг учун рисоланинг баъзи қўлёзмаларида «Шарҳи рубоийи шайх Абу Сайд Абу-л-Хайр» деб ҳам номланган³⁰.

Рисола «Бисмиллоҳ...»дан кейин «Алҳамдулиллаҳил-лазий фаёзил ҳукм...» сўзлари билан бошланади. Ҳамд ва наътдан сўнг муаллиф рисолани ёзишдан мақсадини тушунтиради. Унинг таъкидлашича, унга қадар ҳам мазкур рубоийнинг ҳақиқӣ маъноларини шарҳлаш учун кўп муҳаққиқ алломалар томонидан уринишлар бўлган. Лекин улар Хожа Аҳрорни қониқтирмаган. Шу боисдан у бутун истеъдод ва қобилиятини сарфлаб ушбу

²⁹ Қаранг: Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Рисолаи волидия / Нашрга тайёрловчи: Ҳ.Ҳасанов. –Т.: Тошкент ислом университети, 2004. -52 б; Мирзо Кенжабек. Дунёнинг муршиди. -Т.: Фан, 2004. -52 б.

³⁰ ЎзФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди. Инв. № 514/2. 6 варак.

шарҳни ёзган³¹. Унда Хожа Аҳрор ўз қарашларини Қуръони Карим оятлари ва ҳадиси шарифлар билан тасдиқлаган. Шарҳда рубоийдаги барча ирфоний сўзларнинг ғайбий маънилари баён қилинган.

Рубоийнинг асл матни қуйидагичадир:

Ҳавро ба назораи нигорам саф зад,

Ризвон зи таажжуб кафи худ бар каф зад.

Он холи сияҳ бар онрухон мутраф зад,

*Абдол зи бим чанг дар Мусҳаф зад*³².

Рубоийнинг ўзбек тилига сўзма-сўз таржимаси:

Қаро кўз ҳурлар кўз ўнгимда саф тортдилар,

Ақл бундан таажжубланиб, қарсак чалиб юборди.

Ул қаро ҳоллар ниқобларини ул чеҳралар узра ташлаган чоғ,

Чилтанлар кўркүвдан Мусҳафга ёпишиб олдилар.

Рубоийнинг қисқача шарҳи:

Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор таъбирича, рубоийдаги "ҳавро" сўзидан мурод ўлим тушагида ётган бемор ҳузурига жон бериш олдидан келадиган фаришталардир.

“Нигор”дан мурод рух, “ризвон” - ақл, “холи сийаҳ” - хорлик, ночорлик, “абдол” — нафсоний қувватлар, "мусҳаф" — инсоний ҳақиқат демакдир.

Бинобарин, мазкур рубоийни тасаввуф тили билан таржима қилинганда қуйидаги мазмун англанади:

Ҳақ таолога ошиқу шайдо бўлмиш каминанинг ҳузурига жон олувчи фаришта ташриф буюрди. Жон фидо қилмай туриб маҳбубга етишмоқ амри маҳол эканини идрок этувчи ақл шодликдан қарсак чалиб юборди. Жон таслим қилиш асносида, одатда, инсон юзида хомушлик ва ночорлик аломатлари пайдо бўлади. Натижада нафсоний қувватлар инсоний ҳақиқат билан туқнашади ва мағлубиятга учрайди, яъни, Аллоҳга етишган ошиқнинг инсоний ҳақиқати ғалаба қилади.

³¹ Хожа Аҳрор Валий. Рисолаи ҳавроийя. ЎзФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди. Инв. № 507/1. Б. 2.

³² Ўша асар, Б. 2.

«Рисолаи хавроийя»нинг Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар хазинасида бешта нусхаси сақланмоқда³³.

2. «Рисолаи волидийя» ("Отага аталган рисола"; «Мухтасар» деб ҳам юритилади). Рисола тариқат аҳлига қўлланма сифатида тайёрланган бўлиб, унда нақшбандия тариқатининг асослари ўз баёнини топган. Хожа Ахрор валий бу рисолани ўз отасининг илтимоси билан ёзган. Бу ҳақда унинг ўзи муқаддимада шундай дейди:

"Бу «Мухтасар»ни таълиф этишимнинг сабаби - отамнинг менга қарата айтган ушбу сўзлари бўлди: "Ахлуллоҳ (тариқат машойихлари)нинг сўзларидан бизга андак ёзиб беринг, токи биз ҳам олий мақомларга етишиш ва ҳақиқий илмлар ҳосил қилиш шарафига муяссар бўлайлик. Чунончи, Расулуллоҳ алайҳиссалом ҳадисларида келмишки, ҳар ким билган илмига амал қилиб борса, Аллоҳ таоло унга бошқа билмаган илмларни ҳам билдириб боради»³⁴.

Бу асарни Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзбек тилига шеърӣ таржима қилган. "Бобурнома"да "Волидийя"ни назмда таржима қилиш тарихи бундай билдирилади:

"Одина куни ойнинг йигирма учиди ҳарорате баданимда зоҳир бўлди. Андоқким, жумъа намозини масжидда ташвиш била ўтадим, намози пешин эҳтиётини келиб, китобхонада, бир замондин сўнг машаққат била ўтадим. Индини якшанба куни иситиб, озроқ титрадим. Сешанба кечаси сафар ойининг йигирма етисида ҳазрат Хожа Убайдуллоҳнинг "Волидийя" рисоласини назм қилмоқ хотиримға кечти"³⁵.

Бу жумлада икки муҳим хусусият бор:

Биринчи, «Мубаййин» асаридан ҳам маълумки, Бобур мужтаҳид имомлар фатвосига эътимодли, Имоми Аъзам мазҳабида собит, улуғ фақиҳ бўлган ва подшоҳ бўла туриб, яна шундай оғир хаста ҳолида ҳам эҳтиёт

³³ Нақшбандия тариқатига оид қўлёзмалар фихристи. Т.: «Фан», 1993. Б. 22-23.

³⁴ Кенжабек, Мирзо. Дунёнинг муршиди. Т.: «Фан», 2004. Б. 13.

³⁵ Бобур З.М. Бобурнома. Т., 1991. Б. 356 (Тўққиз юз ўттиз бешинчи (1528) йил воқеалари).

пешин намозини тарк этмаган. Бу улуғ подшоҳнкни диндаги эҳтиётига далилдир. Чунки, кейинги даврларда жумъа намозининг Ҳазрати Пайғамбаримиз (с.а.в.) даврларидаги шартлари бажо бўлмаган. Бу зинҳор шубҳа эмас, балки эҳтиётдир.

Иккинчи хусусият, Бобур жиддий бетоб бўлиб, иситмалаб ётганида, сафар ойининг йигирма еттинчи куни, сешанбада рисолани форсийдан туркий тилга шеърий таржима қилиш фикри кўнглидан кечади. Ҳазратнинг руҳига таважжуҳ қилиб, агар бу назм у ҳазратга мақбул бўлса, худди "Қасидаи Бурда" муаллифи Муҳаммад ибн Саъид ал-Бусийрийнинг ҳазрати Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳақларидаги қасидаси мақбул тушиб, ўзи фалаж касалидан халос бўлганидек, мен ҳам бу хасталиқдан кутулсам, назмимнинг қабул бўлганига бир далил бўлгайдир, — деган фикр шоҳнинг кунглидан ўтади. Шу ният билан "рамали мусаддаси махбуни аруз" ва "зарбгоҳи махбуни махфуз" вазнида рисолани назм этишга киришади. Мавлоно Абдурраҳмон Жомийнинг "Субҳа"си ҳам шу вазндадир, — дейди шоир³⁶.

Дарҳақиқат, "Волидиййа"ни таржима қилиб бўлгач, Бобур ҳам касалдан халос топади. Бу очиқ каромат эди. Бобур айтади: «Ўтган йили, ва балки, ҳар қачон бу касалликка чалинсам, бетоблигим камида бир ой, қирқ кунга чўзилиб кетар эди. Аллоҳнинг инояти билан ҳазратнинг ҳимматидан, бу гал пайшанба куни, ойнинг йигирма тўққизида озгина сўлғинлик бўлди, шу билан бу касалликдан халос бўлдим. Шанба куни, рабиъул-аввал ойининг саккизида рисола сўзларини назм қилмоқ охирига етди»³⁷.

Бобур Мирзо рисолани туркий-ўзбек тилига ўтирар экан, назмни "Бисмиллоҳир-Роҳманир-Роҳийм" билан бошлаб, аввал Аллоҳ таолога ҳамду санолар келтиради, Унинг Зоти моҳиятига инсон фикру қиёси етмаслигини айтиб, баъзи исм-сифатларини баён қилади. Сўнгра ҳазрати Расули Акрам

³⁶ Кенжабек, Мирзо. Дунёнинг муршиди. Т.: «Фан», 2004. Б. 14.

³⁷ Бобур З.М. Бобурнома. Т., 1991. Б. 356 (Тўққиз юз ўттиз бешинчи (1528) йил воқеалари).

саллаллоху алайҳи ва салламга наът келтириб, ул зотнинг таърифини айтиб, дурудду дуолари-ни арз этади.

Асарнинг тўртта қўлёзма нусхаси ЎзР ФА Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар хазинасида сақланмокда³⁸. Унинг ўзбекча насрий таржимаси Тошкентда уч маротаба нашр қилинган³⁹.

3. «Фақарот ул-орикийн» (Маърифат аҳли ҳаётидан лавҳалар). Бу асар "Фақароти Аҳрорийи" ёки «Воридот» ҳам дейилади⁴⁰. Асар ҳажм жиҳатидан Хожа Аҳрор валийнинг бошқа асарларига нисбатан анчагина каттадир.

«Фақарот»да тасаввуф аҳли, жумладан, Хожа Аҳрорнинг турли масалаларга оид фикрлари, тариқат усуллари берилган. Ҳар бир усул «факра» (банд) деб номланган. Насрий тарзда тожик тилида ёзилган. Ундаги мулоҳазалардан Хожа Аҳрор ҳақида мақомат ёзган муаллифлар фойдаланганлар.

Унинг 6 та қўлёзма нусхаси Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар хазинасида сақланмокда⁴¹. Шунингдек, асар 1323 ҳижрий, 1910 милодий йилда Тошкент типолитографисидан нашр этилган⁴².

4. «Анфоси нафиса» (Дурдона сўзлар). Бу асарнинг қўлёзма нусхаси кам. ЎзР ФА Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар хазинасида унинг фақат битта нусхасигина сақланмокда⁴³. Ҳиндистонда нашр этилган тошбосма асарда кўпгина машойихларнинг асарлари қаторида келтирилган.

Хожа Аҳрор валийнинг мазкур асарларидан ташқари форс-тожик тилида битган яна икки рисоласи мавжудлиги ҳақида ҳам маълумот бор⁴⁴. Қўлёзма ҳолдаги ушбу рисоаларнинг сарлавҳасига «Рисолаи Хожа Аҳрор валий» деб аниқ ёзиб қўйилган ва улар мазмун-моҳияти жиҳатидан Хожа Аҳрор валийнинг шу вақтга қадар маълум бўлган асарларидан фарқ қилади.

³⁸ Нақшбандия тариқатига оид қўлёзмалар фихристи. Т.: «Фан», 1993. Б. 23-24.

³⁹ 1) Рисолаи волидия. Т., 1995. 2) Дунёнинг муршиди. Т., 2004 (матн ва қисқа шарҳ). 3) Рисолаи волидий. Т., 2004 (кирилл ва араб ёзувларида).

⁴⁰ Валихўжаев Б. Хожа Аҳрор тарихи. Т.: «Ёзувчи», 1994. Б. 74.

⁴¹ Нақшбандия тариқатига оид қўлёзмалар фихристи. Т.: «Фан», 1993. Б. 24-25.

⁴² Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Фақаротул-орикийн. Т., Орифжонов типолитографияси, 1910.

⁴³ Нақшбандия тариқатига оид қўлёзмалар фихристи. Т.: «Фан», 1993. Б. 25.

⁴⁴ Ҳасаний, Маҳмуд. Хожа Аҳрор Валий мероси. Имом ал-Бухорий сабоклари, 2004 йил, №2-сон.

Мактублари. Ўз даври ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётига жиддий таъсир кўрсатган хожагон-нақшбандия тариқати ғояларнинг кенг ёйилиши XV ва XVI аср бошларида ёзилган бир қанча тасаввуфий-биографик асарлар билан бир қаторда тариқат аҳлига мансуб, хусусан, унинг раҳбарлари Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ва бошқалар томонидан темурийлар давлатининг Ҳиротдаги саройига йўлланган хатларида ҳам акс этган. Бу ўринда Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазина-сида сақланаётган "Мажмуа-йи муросалот" ёки унинг тузувчиси номи билан "Навоий альбоми" (мураккаъи) деб номланиб келаётган дастхат-автограф руқъалар тўплами⁴⁵ ҳақида тўхталамиз.

Альбом Мовароуннаҳр ва Хуросонда яшаган 16 муаллифнинг 594 донда дастхат руқъаларини ўзида жамлаган. Улардан 128 донаси Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор қаламига мансуб ва унинг имзоларига эга.

Хатларнинг аксари мутафаккир адиб, буюк давлат арбоби бўлмиш Алишер Навоийга, Хуросондаги темурийлар давлати ҳукмдори Султон Ҳусайн Бойқарога (1469-1506), қисман эса баъзи сарой амалдорларига йўлланган. Улар дастхат ҳолида бир нусхада Ҳиротдаги "Китобхонаи олий"да сақланган. Уларни жамлаб, альбом шаклига келтириш Алишер Навоийнинг ташаббуси ва буйруғи билан амалга оширилган.

Мазмун жиҳатдан мактубларни уч туркумга бўлиб шарҳлаш мумкин.⁴⁶ Биринчиси — бу Мовароуннаҳр ва Хуросонда ҳукмронлик қилган темурий ҳукмдорлар, чунончи, Бадахшон ҳокими Султон Маҳмуд (1459-1494), Мовароуннаҳр ҳокими Султон Аҳмад (1468-1493) ҳамда Султон Ҳусайн Бойқаролар орасидаги сиёсий, ҳудудий муносабатларга доир хатлар. Уларда Хожа Аҳрор Темурий шахзодалар олдига ўзаро низоларни тинчлик йўли билан ҳал этиш, урушлар туфайли аҳолининг жону молига зарар етказмаслик

⁴⁵ ЎзФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди. Инв. № 2178.

⁴⁶ Ўринбоев А., Каримов Ғ. Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорнинг дастхат руқъаларида нақшбандия таълимотининг акс этиши (илмий-амалий анжуман маърузалари тезислари). Т., 2004. Б. 17-18.

каби талабларни қўяди ва буни амалга оширишни Навоийдан илтимос қилади.

Иккинчи тур хатларда эса Хожа Аҳрор шариат қонун-қоидаларини мустаҳкамлаш ва бу орқали мамлакатда адолат ўрнатиш, мусулмонлар, яъни оддий раийятларга жабру зулм етказишдан золимлар қўлини қисқа қилиш каби фикрларни ифодалайди, баъзан эса адолатсизликка учраган бирор жабрдийданинг аниқ номини айтиб, ёрдам кўрсатишни сўрайди.

Учинчи туркум хатлар Хожа Аҳрор ва унинг яқин муридларининг Хуросон худудида олиб борган хусусий хўжалик ҳамда савдо-сотик ишларига ва шулар билан боғлиқ солиқ-йиғимлар масаласига оиддир. Бу хатларда Хожа Аҳрор ўз даврининг йирик ер-сув, мол-мулк эгаси сифатида гадаланади, ўзининг ва яқин кишиларининг манфаатлари Хуросонда ҳам ҳимоя қилинишига интилади. Аммо, айтиб ўтиш лозимки, бу турдаги хатлар орасида ҳам баъзан оддий адолатталаб кишилар ҳуқуқини ҳимоя қилишга қаратилган илтимослар учраб туради.

"Рашаҳот айнил-ҳаёт" номли биографик асар муаллифи Фаҳруддин Али Сафий Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорнинг Абдулҳолиқ /иждувоний тилидан айтилган қуйидаги сўзларини келтиради: "Ҳазрат Абдулҳолиқ /иждувоний буюрмишларки, халқ гарданидан оғирлиқни кўтариш керак, аммо бунга ҳалол касб билангина эришилади; "Қўл иш билан, дил ёр (Аллоҳ) билан" шиори хожагон тариқатида муқаррардир"⁴⁷. "Силсилат ул-орифин" асарининг муаллифи Муҳаммад қозининг айтишича, мазкур ғояни давом эттириб, уни амалда қўлламоқ учун Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор: "мусулмонлар бошидан жабр-зулмни дафъ этмоқ учун дин ва шариатни дастур қилган ҳолда султонларга мурожаат қилмоқ лозимлигини" нақшбандия тариқати аҳлининг вазифаларидан, деб уқтиради"⁴⁸. Эҳтимол, ана шу мақсадни амалга оширмоқ учун Хожа Аҳрор ўз ҳаммаслаги Алишер Навоий ижодий ишлар билан машғул бўлмоқ учун давлат ишларидан кетмоқни орзу қилган пайтда унга

⁴⁷ Фаҳриддин Али Сафий «Рашаҳот». Т., «Абу Али Ибн Сино». 2003. (Эркин баён)

⁴⁸ Муҳаммад қози. Силсилат ул-орифин. ЎЗР ФА Шарқшунослик институтининг 4452F1 рақамли қўлёзмаси, в.70^б).

ёзади: "... қудратли султонга яқин бўлиш ва унга ўз сўзини етказа билиш - улуғ неъматдир. Бу неъмат шукронаси эса киши ўзлигини ва ўз вақтини мусулмонлар юмушига сарфлаш, улардан золимлар қўлини қисқа қилиш, зулмини йўқотишдир..."⁴⁹. Бундай мазмундаги хатлар альбомда бир нечта ва Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг биз юқорида келтирганимиз сўзлари билан ҳамоҳангдир.

Юқоридагилардан хулоса шуки, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ва бошқа тасаввуф аҳлининг "Мажмуа-йи муросалот"да жамланган дастхат руқъалари XV аср иккинчи ярмида Мовароуннаҳр ва Хуросонда мавжуд бўлган маънавий-маданий, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаёт тарихини ўрганиш учун муҳим манба хизматини ўтайди. Шу билан бирга, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ва бошқа муаллифлар хожагон-нақшбандия тариқатининг назарий асосларини ҳаётнинг турли соҳаларида амалда қўллабгина қолмай, уни назарий томондан ривожлантирганликларидан ҳам дарак беради.

Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ва унинг муридлари, ўғиллари ва куёвлари томонидан Темурийларнинг Ҳирот саройига ёзилган руқъалар «Мажмуа-йи муросалот» асосида (258 дона хат) 2002 йилда Голландиядаги Брилл нашриётида чоп этилди. Бу нашр руқъаларнинг автограф ҳолидаги факсимил наشري. Замонавий терма матни, инглизча таржимаси ва тадқиқотлардан иборат бўлиб, бу дунё фанига нодир нусхаларни тақдим этади.

Хожа Аҳрор ўз замонасининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-мафкуравий ҳаётида катта из қолдирган арбобларидан бири сифатидаги қирраларини намоён этувчи мактублари муҳим аҳамиятга эгадир. Аслида мактуб - иншоъ шаклида юритилиб ҳар бир даврнинг ёзма нутқини, саводхонликни, ёзма муомала маданиятини намоён этувчи ҳужжатдир. Мактубни маншаъ қилмоқ – қоғозга туширмоқ еки мабдаъ қилмоқ - ёзишни бошламоқ хат ёзувчидан жуда катта салоҳият, зукколикни талаб этади. Айниқса, ёзилажак мактуб давлат аҳамиятига молик даражада бирор ҳукмдорга қаратилган бўлса, унинг таъсир кучи амалда ижобат натижасини бериш даражасида бўлмоғи лозим

⁴⁹ Мажмуаи мурсалот. ЎзФА ШИ. Инв. № 2178. -Б. 34.

бўлади. Мана шу ўринда Хожа Аҳрорнинг мамлакатда ҳукм сураётган нотинчликни бартараф этувчи хонликлар ўргасидаги келишмовчиликларни изга солиш, эл юртнинг осойишини бузилишига сабаб бўладиган ўзаро урушларни тўхтатишга бағишланган мактублари ўз самарасини берганлиги тарихдан маълумдир. Масалан, унинг Абу Сайд Мирзога ёзган ўн тўртта хати, унда илгари сурилган адолат, халқпарварлик, тинчлик, осойишталик ғоялари фикримизнинг ёрқин далилидир.

Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоийга ёзган мактубларида эса Хожа Аҳрор шоирларга бўлган эҳтиромини, ҳурматини уларнинг давлат аҳамиятидаги тутган ўрнини баён этади.

Бир сўз билан айтганда, мактублар жуда мазмунли, ўз даврининг адабий тилида равон ва саводли тарзда ёзилган. Хожа Аҳрорнинг мактубларини илмий тадқиқ қилиш, унинг меросини нашр эттириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

II БОБ. ХОЖА АХРОР – НАҚШБАНДИЯ ТАРИҚАТИ НАМОЁНДАСИ СИФАТИДА

2.1. Хожа Ахрорнинг сўфийлик фаолияти

Кишилиқ жамияти шаклланиб илму ирфонга қадам қўйгандан бери, инсон ақл-заковатининг маҳсули ҳар бир соҳада кўзга яққол ташланиб келган. Буни биз Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Захириддин Муҳаммад Бобур каби қатор аллома ва шоирларга, неча-неча салтанат соҳибларига муршиди комил бўлмиш нақшбандия тариқатининг қутби Хожа Убайдуллоҳ Ахрор валий тимсолида кўришимиз мумкин.

Академик Азизхон Қаюмов таъкидлашича, Алишер Навоий ўзининг «Ҳайрат ул-аброр» асарининг муқаддимасида машҳур муршид Хожа Баҳоуддин Нашқбандга бир боб бағишлаган. Унда Хожа Убайдуллоҳ Ахрорнинг «Ул ҳазратқа халифи мутлақ, балки халифаи барҳақ» эканини ёзади. Яъни, Хожа Убайдуллоҳ ҳазрат ишининг давомчиси, унинг барҳаёт ўринбосари эканлигини таъкидлайди. Хожа Убайдуллоҳ Ахрорнинг обрў ва эътибори нафақат бутун Мовароуннаҳрда, балки қўшни мамлакатларда ҳам маълум ва машҳур эди. Бу ҳақда Навоий шундай деб ёзади:

*Юз қуюбон қуллугига шоҳлар,
Базмида беҳуд бўлиб огоҳлар.*

*Хизматидин ҳар киши огоҳ ўлуб,
Гарчи гадо маъни ила шоҳ ўлуб...*

*Мулки жаҳон мазраи деҳқони ул,
Балки жаҳон мулки ниғаҳбони ул.*

Маъноси: Унинг олдиди шоҳлар қул сингари турар эдилар, унинг суҳбатига эришганлар ўзларини йўқотар даражага етар эдилар. Кимки, унинг хизматига етишгудек бўлса, агар у гадо бўлса ҳам шоҳлик даражасига кўтарилгандай бўлар эди. У жаҳон мулкидаги барча экинзорларнинг эгаси бўлмиш деҳқон, балки бутун жаҳон мулкининг тинчлик ва барқарорлигини асровчи эди.

Манбаларда кайд этилишича, Хожа Аҳрор бошланғич мактабда ўқиш жараёнида ўша давр таомилига кўра «Чор китоб», «Ҳафтияк», «Қуръон» ва ҳадисларни ҳамда мактабда ўқитиладиган тасаввуф соҳасида яратилган асарларни мутолаа қилишга киришган ва ўзининг бетакрор истеъдоди, иқтидори, хотирасининг ниҳоятда ўткирлиги билан бошқа талабалардан алоҳида ажралиб турган.

Кейинчалик тоғаси Хожа Иброҳимнинг ташаббуси билан Самарқандда таҳсил олишга келади. Тоғаси Самарқандда Эгу Темур мадрасасида таҳсил олиб шу ерда истиқомат қилар эди. Бу ҳақда Хожа Аҳрор кейинчалик шундай ҳикоя қилади: «Тоғам ўқишни давом эттиришимни жуда истар эдилар. Шу мақсадда мени Шошдан Самарқандга олиб келдилар»⁵⁰. Бу воқеа тахминан 1427 йилларга тўғри келади.

Хожа Иброҳим жияни Хожа Убайдуллоҳни шаҳардаги мавлоно Қутбиддин Садр мадрасасига ўқишга жойлаштиради. Аммо қисқа вақт ўтгач, касаллиги туфайли ўқишни ташлашга мажбур бўлади. Кейинчалик бу ҳақда бир суҳбатда: «Бизнинг мадрасада олган таълимимиз «Масобих» китобининг бир варағини ўқишдан нарига ўтган эмас», деб хотирлайди. Хожа Аҳрорнинг расмий тарзда бирор мадрасани тугатмаганлиги туфайли, унинг муҳолифлари уни ўқимаганликда айблашга интиланлар ва орқасидан «қишлоқи шайх» деб менсимаганлар.

Аммо Ўрта Осиё тарихида нақшбандия тариқатининг кўзга кўринган муршиди, ўз даврининг мафкуравий ҳаётида катта из қолдирган арбоби даражасига эришишининг бош сабаби нимада? Ёки ўз асрининг мадраса

⁵⁰ Валихўжаев Б. Хожа Аҳрори Валий. -Самарқанд: Зарафшон, 1993. -Б. 48.

курган машхур олим ва адиблари уни тан олиб «Каъбаи мақсуд» (А. Жомий) «Муршиди офоқ» (А. Навоий) каби иборалар билан эътироф этишларининг, унга бағишлаб асарлар битганларининг сир-асрори қаерда?

Юқорида келтирилган саволларга жавоб бериш учун Хожа Ахрорнинг таржимаи ҳоли ҳақида атлофлича маълумот берувчи манба – Муҳаммад козининг «Силсилат ул-орифин» асарида келтирилган парчаларга, шунингдек, академик Б. Валихўжаевнинг «Хожа Ахрори Валий» рисоласига (Самарқанд, 1993 йил) мурожаат қилинди. Шунингдек, самарқандлик олим Ахрорхон Усмон ўғли томонидан таржима қилинган Абдулҳай ибн Абдулфатҳ ал-Ҳусайнийнинг «Ҳазрати Хожа Ахрор валий Насабномаси»⁵¹ни кўриб чиқилди.

Дастлабки кўзга ташланган жиҳатларидан бири шундан иборатки, мусулмон халқларининг муқаддас китоби Қуръони каримнинг аллома тақдирида тутган ўрни, унинг исломий таъсир кучи кўзга яққол ташланади. Бу ҳол айниқса, нақшбандия тариқатининг ғоялари, қарашлари тарғиботида кўзга ташланади. Чунки, эл назарига тушган донишманд бўлиш илмнинг энг сара қирраларини воиз сифатида ёки ёзма шаклда намоён этишни тақозо этади. Хожа Ахрорда айнан ана шу фазилат юксак даражада намоён бўлган. У умри давомида исломий илмларни мустақил тарзда ўқиб-ўрганиб борди, устозлардан мукаммал таълим олди. Ўзлаштирганларини омма орасида тарғиб этди ҳамда бир қанча ҳукмдорлар, шоиру адиблар, оддий фуқароларнинг тенгсиз муршиди қоили бўлиб етишди.

Алишер Навоий «Насойим ул-муҳаббат» асарида келтирганидек, Абдурахмон Жомий ҳазратлари «Нафоҳот ул-унс» асарини ёзган пайтда барҳаёт шайхлар ва энг улуғ зотлардан ёлғиз «Ҳазрат Хожа Носириддин Убайдуллоҳ (Хожа Ахрор)дан ўзга кишини ул табаррук китобда зикр қилмадилар»⁵². Хожа Ахрорнинг инсонпарварлиги, олий ҳиммати ва саховатининг шон-шухрати шу қадар эдики, «Мовароуннаҳр салотини

⁵¹ Ҳазрати Хожа Ахрор Валий Насабномаси. Т., 2004.

⁵² Алишер Навоий. «Насойим ул-муҳаббат» (мукаммал асарлар тўплами, 17-том). Т., 2001. Б. 278.

(султонлари) ўзларин аларнинг муридзодалари ва маҳкуми ҳукми тутарлар эрди. Йўқки, ёлғуз Мовароуннаҳр салотини, балки Хуросон ва Ироқ ва Озарбайжон, ҳаттоки, бир соридин Рум ва Мисрғача, бир соридин Хито(й) ва Ҳиндғача барча мулук ва салотин (подшоҳлар ва султонлар) ўзларин Хожа Аҳрорнинг маҳкуми ҳукми ва маъмури фармони тутарлар эрди»⁵³ ва кўпгина давлатларнинг подшоҳлари ул Ҳазратнинг мактубларида айтилган савобли илтимос ва юмушларни тез фурсатда бажо келтиришни ўзлари учун шараф деб билур эдилар. Алишер Навоийнинг ўзлари Хожа Аҳрорнинг мактубларидан махсус мураккаъ-мажмуа тузган эдилар («мураккаъ ясаб, жадвал ва тақаллуфот била табаррук йўсинида асрабмен»). Улуғ шоиримиз сингари Абдурахмон Жомий ва Захириддин Муҳаммад Бобур ҳам у зоти шарифни ўзларига пири муршид деб билган эдилар.

XV асрда, айниқса, унинг иккинчи ярмида Мовароуннаҳр ва Хуросонда тенги йўқ бир улуғ зотни ўзларига бузургвор пир ва муршид деб билган Абдурахмон Жомий Хожа Аҳрор валийни юксак кадрлаб «Туркистондаги Каъбам, Каъбаи мақсудим», деса, Алишер Навоий эса у бузургвор зотни «Пири офоқ» (бутун дунё пири), деб бағоят юксак эъзозлаганлар.

Ҳазрати Навоий «Насойим ул-муҳаббат»да устоз Жомийнинг Хожа Аҳрор валий ҳақида битган сўзларини бағоят дақиқ ва бийик деб, ўзига хос ўта камтарлик ва хоксорлик билан ёзади: «Ҳазрат Махдумийким, алар васфида бу навъ нукта сурубдурлар, аларнинг маорифидин баъзи сўз келтирибдурлар. Чун сўз бағоят дақиқу бийик ва бу бебизоатнинг фаҳми ва идроки андин қосир. Аларнинг баъзи ҳолатини, бу ҳақирға мавҳум ва яқин эрди анга шуруъ қилилди. Аларнинг мавлиди Тошканддур ва оталари дарвиш киши эрмиш ва она тарафидин ҳамонки, Шайхи Тахурки, ул вилоятда мутаъаййин шайх эрмиш... доно Саъдуддин Кошғарий била суҳбат тутубдурлар ва Мовароуннаҳр машойихидин Хожа Муҳаммад Порсо мулозиматига етибдурлар ва Мавлоно Низомиддин Хомуш била суҳбат тутубдурлар. Мавлоно Яъқуб Чархийдин иршодлар ва тарбиятлар топибдурлар

⁵³ Ўша асар. -Б. 279.

ва сўнгралар Ҳазрати Хожага анча мукнот даст бердики, маълум эмаски, машойихдин ҳеч кимга ул даст берибдурлар ё йўк»⁵⁴.

Демак, Хожа Аҳрор Мовароуннаҳр ва Хуросондаги юқорида шариф номлари зикр этилган йирик машойих ва авлиёлар билан турли йилларда мулоқот қилган, ҳамсухбат бўлган ҳамда таълим ва тарбия олган. Сўнгра Алишер Навоий ўз асарида Хожа Аҳрор валийнинг бутун Машриқзаминдаги мусулмон мулкида ҳукмрон подшоҳлар, султонлар орасида машҳур ва манзур бўлганини ёзиб қолдирган.

Навоий Хожа Аҳрор валийга бағоят яқин бўлганликлари учун у кишининг ўзига ва устоз Жомийга ёзган руқбалари (мактублари)ни тўплаб, мужаллад қилиб, алоҳида чуқур ва самимий эҳтиром билан асраганлигини ҳам ёзади: “Ул руқбаларни мураккаъ ясаб, мужаллад қилиб, жадвал ва такаллуфот била табаррук йўсуни била асрабмен”.

Алишер Навоийнинг юқоридаги фикрларидан маълум бўлганидек, Хожа Аҳрор валий XV асрнинг иккинчи ярмида нафақат ўз ўлкаси Туркистонда, балки Хуросонда ва бошқа улкан мусулмон минтақаси юртларида ўта машҳур ва манзур бўлган экан. Тарихчиларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, ўша даврда Шом (Сурия)дан то Ҳиндистонгача ёйилган улкан ва бепоён мусулмон юртларининг умумий сони тахминан 25 дан ортиқ бўлган.

Забардаст шоир ва шоҳ, муаррих олим, ўз даврининг йирик ижтимоий ва сиёсий арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг тарихий «Бобурнома»сида пири-муршиди Хожа Аҳрор валийни жуда кўп бор ҳаёти қил устида турганида, жанг олдидан ёки оғир касал бўлганларида тушларида кўрганини, Ҳазрат Эшон унга ҳамиша руҳий қувват бағишлаганини ёзади. Бобур буюк пирнинг «Волидия» асарини насрдан ўзбек тилига шеърӣ усулда таржима қилган.

Маълумки, бошқа тасаввуф тариқатлари сингари, хожагон-нақшбандия ўз тараққиётининг илк босқичларида (XII-XIV асрлар) замон ҳукмдорлари билан муносабатда бўлмаган эди. Бу ҳол Хожа Баҳоуддин Нақшбанд (1318 -

⁵⁴ Ўша асар. -Б. 279.

1389) даврида ҳам давом этган. Кейинроқ, XV асрнинг иккинчи ярмида нақшбандия тариқатига пешволик қилган Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор (1404 - 1490) тариқатнинг ҳукмдорларга бўлган муносабатини тубдан ўзгартириб юборди. Бу даврда нақшбандия пешволари тариқат билан давлат орасида мавжуд тушунмовчилик ва жудоликдан воз кечишга, ҳукмдорлар билан муносабат ўрнатишга интилади. Нақшбандияга доир манбалар, жумладан, Махдуми Аъзам Даҳбидий Косонийнинг (1461 - 1542) «Танбиҳ ус-салотин» рисоласида Хожа Аҳрор туфайли тариқат ва давлатдорлар ўртасида юзага келган янги муносабат «ихтилот» сўзи билан ифодаланган. Бу сўз тариқат аҳлининг давлатдорлар билан янги ижобий муносабатини англатиб, борди-келди, мулоқот, суҳбат, машварат, маслаҳат, келишиш, ҳамкорлик ва бошқа шунга ўхшаш маъноларда ишлатилган.

«Танбиҳ ус-салотин»да Хожа Аҳрор вафотидан кейин XVI асрнинг биринчи ярмида Самарқандда нақшбандия тариқатига раҳнамолик қилган Махдуми Аъзам тариқатнинг ривожидан подшоҳларнинг унга хайрихоҳона муносабатига боғлиқ, деган фикрни қайта-қайта такрорлайди: “Аммо, эй толиби содиқ, шуни билгилки, агар шмон подшоҳлари уларга ва уларнинг тариқатига мухлису муътақид, уларга мададкор ва ёрдамчи бўлсалар, бу олий тоифа (нақшбандийлар) у вақтда бу шариф нисбат (тариқат) билан шуғуланиб, уни ривожлантира оладилар. Акс ҳолда, жуда мушкул бўлади”⁵⁵.

Хожа Аҳрор подшоҳларнинг хайрихоҳлиги ва мадади туфайли тариқат ривожланади, солиқлар эркин фаолият олиб бориши учун қулай шароит яратилади, деган хулосага келган ва уни Махдуми Аъзамга, тариқатнинг ўзидан кейинги пешволарига мерос қолдирган. Махдуми Аъзамда бунга ишора ҳам бор: «Ҳазрати Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор қуддуса сиррихудан нақл қилибдурларким, ул зотнинг ёшлик пайтларида нисбати шарифлари туфайли бир воқеани (тушларида) кўрибдурларким, гўё ҳазрати пайғамбар саллаллоху алайҳи вассаллам у кишини ўзларининг муборак орқаларига кўтариб, Шошдаги (Тошкент) Мавлоно Абубакр Қаффол Шошийнинг нурга тўлган

⁵⁵ Махдуми Аъзам Даҳбидий. Танбиҳ ус-салотин. -Самарқанд, 1994. –Б.35.

мозорлари ёнидаги тепаликка чиқарадилар. Бу тушнинг таъбирини чунон айтдиларким, Муҳаммад пайғамбар саллаллоху алайҳи вассаллам шариат ва тариқатларининг ривожини ул киши (Хожа Аҳрор) орқали вужудга келар экан. «Шунча мулоҳаза қилдим, подшоҳлар мадади, кўмагисиз ҳеч натижага эришиш мумкин эмас, демакки, Ҳақ субҳонаху ва таоло мени подшоҳлар билан ихтилот қилишга масъул қилди».

Маҳдуми Аъзам мазкур рисоласида Хожа Аҳрорнинг подшолар мададсиз тариқат фаолиятини ривожлантириш мумкин эмаслиги ҳақидаги хулосасини изоҳлаб, аксарият одамлар нодонлиги ва жоҳиллиги боис ушбу тоифа завқу ҳолига мункир бўлиб, уларни ҳамиша такфир ва инкор этиб, ташвишга солиб келганлар, деб ёзади. Аммо подшолар бу тоифага мухлис ва эътиқодманд бўлсалар, мункирлар ҳеч бир зиёнли иш қила олмайди.

Тариқатнинг Хожа Аҳрор томонидан ишлаб чиқилган янги стратегик йўли, унинг давлатдорлар билан келишиш, сулҳ-салоҳга боришга асосланган сиёсати тариқат билан давлат ўртасида оқилона муносабат ўрнатишга қаратилган эди. Бинобарин, ихтилот йўли фақат шариат ва тариқат ривожига кенг йўл очиб беришдан иборат бўлмаган. Хожа Аҳрорнинг ихтилот йўлига ўтиши, айниқса, бу тоифа учун манфаатли эди. Нақшбандиянинг инсонпарварлик таълимоти руҳида улғайган, ҳамиша фақир-бечоралар ғами билан яшаган улуғ муршид подшо ва бошқа давлат арбоблари билан суҳбат орқали уларни адолат ва фуқаропарварликка чорлаган, ҳукмдорлар қалбида инсонпарварлик туйғусини уйғотиш, фуқароларга адл-инсоф билан ёндашиш лозимлигини уқтирган.

2.2. Тасаввуф одоблари ҳақидаги қарашлари

Хожа Ахрор тариқатга завоқ билмас бахт воситаси дея таъриф беради: «Хожагон қаддасаллоҳу арвоҳаҳум тариқаларининг ҳосили давоми иқбол турур, бар важҳеким, бу иқболда ҳеч кулфат бўлмас».

Ўзи эътиқод қилувчи нақшбандиянинг моҳиятини шундай тушунтиради: «Бизнинг мўътақидимиз турур бул тариқдин, ул турурким, доимо кўнгил бар сабили завқу лаззат Ҳақ субҳанаҳуға огоҳ бўлсин. Ва бу маънони муносиб амаллар билан касб этурлар, бидояти шул турур. Ва ниҳояти шул турурким, касбға ҳеч мадҳал қолмасдур ва бул маъно нафсға малака бўлуб, мулк бўлур». Бу сўзлар нақшбандия тариқатининг шиори «Дил ба ёру даст ба қор» (Дил Аллоҳда, қўл меҳнатда бўлсин) иборасининг кенгроқ баёни.

Тасаввуфий камолот йўлини, анъанага кўра, уч қисмга – шариат, тариқат ва ҳақиқатга бўлиб, уларга шундай таъриф беради: «Шариат – аҳкоми зоҳирға жорий этмак. Ва тариқат – ботиннинг жамъиятида тааммул ва тақаллуф этмак (интилиш). Ҳақиқат шул жамъиятда русух турур»⁵⁶

Маълумки, соф исломий тасаввуфнинг илдизлари Қуръон ва Суннага таянади. Хусусан, Қуръони каримдаги «тазкийат ун-нафс» ва Суннада англатилган «эхсон» тушунчалари тасаввуфнинг тамал тошидир. Қуръондаги «Жума» сурасида шундай оят бор: **«У зот саводсизлар ичидан, гарчи улар бундан аввал очик залолатда бўлсалар ҳам, уларга оятларини ўқиб берадиган ва уларни поклайдиган ҳамда китобни ва ҳикматни ўргатадиган Пайғамбарни юборди»**⁵⁷. Ушбу оятдан «тазкийат ун-нафс» – нафсни поклаш динимиздаги энг муҳим ишлардан бири эканини англаб оламиз. Бу муҳим ишни амалга оширадиган, йўлга қўядиган, ўргатадиган илмни тасаввуф деб аташ урф бўлган⁵⁸.

Шунингдек, «Жаброил ҳадиси» деб номланувчи бир ҳадиси шарифда иймон, ихлос ва эҳсон тушунчаларига таъриф берилади ва бу учаласи

⁵⁶ Рашаҳот. -Б.367.

⁵⁷ Қуръони карим. Жумъа сураси, 2-оят.

⁵⁸ Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тасаввуф ҳақида тасаввур. Т., 2004. Б. 23.

биргаликда динни ташкил этиши баён қилинади⁵⁹. Иймон – ақоиднинг, ихлос – фикҳ илмининг, эҳсон – тасаввуфнинг мавзуси. Хожа Аҳрор «Фикарот ул-орифин» асарида эҳсон ҳақида шундай дейди:

«Имоннинг ҳақиқати эҳсондур, яъни, инсон ишониб эътиқод қилган нарса унинг учун зоҳирий хавос билан (яъни, сезги аъзолари орқали) сезиладиган нарсалардек ишонарли бўлсин, яъни, ибодат қилишда худою кўрадигандек бўлиб унга сиғиниш эҳсон демақдир. Бутунлай ушбу мақомга эришгандан сўнг, худодан бошқа нарсалар муҳаббат пардаси, ҳақиқат нури орқали ўртадан кўтарилиб, инсон (солик) ҳақиқий яратувчидан бошқа нарсани унутиш шарафига нойил бўлгандан кейин ҳақ субҳонаху ва таолодан бошқа ҳеч нарса қолмай, унинг (банданинг) назарида фақат бир зот қолади. Шу орада шоҳидлик ва машҳудлик (шоҳид—кўрувчи, яъни, банда, машҳуд—кўрунувчи, яъни, тангри) сифатлари ўртадан кўтарилиб, «лаяърифуллоҳа иллаллоҳ» (Аллоҳни Аллоҳдан бошқа таний олмайди) маъноси аён бўлади. ...қалам инжо расиду сар бишкаст (Бу ерга келиб қаламнинг учи синди)»⁶⁰.

«Рисолаи волидия»да ушбу мавзунини қуйидагича давом эттиради:

Бил, бу суфийяннинг ақволидур:

«Маърифат – ботиннинг аъмолидур».

Муттафиқдур бори таҳқиқ эли,

Мунга нотик дурур ул хайл тили»⁶¹.

Демак, тасаввуфнинг асосий тушунчаларидан бири бўлмиш «Маърифат (Аллоҳни таниш) ботиннинг — ички оламнинг амалларидир. Бутун таҳқиқ аҳли, яъни ҳамма нарсанинг ҳақиқатини изловчи олимлар бу хусусда иттифоқ қилганлар».

Маърифат эса ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.)га эргашувсиз, тобеъ бўлмасдан ҳосил бўлмайди:

Маърифат бетабаъийят бўлмас,

⁵⁹ Хаттоб (р.а.)дан Имом Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Термизий ва Насайлар ривоят қилишган.

⁶⁰ Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Факаротул-орифийн. -Т., Орифжонов типолитографияси, 1910.

⁶¹ Ҳазрати Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Рисолаи Волидия (З.М.Бобур таржимаси). -Т.: Ёзувчи, 1991. -Б. 5. Кейинги шеърини парчалар ҳам асосан «Рисолаи Волидия»дан.

Қоиди раҳ⁶² табаъиййатдуру, бас.

Қавлию феълию холи дурур ул,

Сўз будур, иш будуру будур йўл.

Қавли тилга мутаъаллиқ, билгил,

Феъли зоҳирга таъаллуқдур, бил.

Бўлди ботинга таъаллуқ холи,

Хожанинг, бил, будурур ақволи.

У зотнинг сўзи тилга тегишли, сўздаги мутобаат тилга боғлиқ. Феъли эса зоҳирга — ташқи иш-амалларга оид, яъни сўзда ҳам, амалда ҳам ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.)нинг гўзал хулқлари билан хулқланмоқ, у зотнинг айтганларига, буюрганларига амал қилмоқ лозим. Бу тасаввуфнинг одоблари билан боғлиқ бўлгани боис Хожанинг мазкур мулоҳазалари давомининг таҳлилини тадқиқотнинг кейинги мавзусида ёритамиз.

Тасаввуфнинг моҳияти, мақсади бўлмиш маърифат ул-лоҳ — Аллоҳнинг илоҳий қудрати ва зотини англаш, Унга етишиш муҳаббат билан бўлади. Айтиш мумкинки, тасаввуф муҳаббат асосига қурилгандир. Аллоҳ таоло марҳамат этади: **"Айтинг (эй Мухаммад): "Агар Аллоҳни севсангизлар, менга (яъни, Расулуллоҳга) эргашинглар, шунда Аллоҳ ҳам сизларни севгайдир"**⁶³.

Хожа Аҳрор «Волидия»да айтади: "Гарчи истеъдод соф-холис фазлу карам бўлса-да, аммо яхшироқ қарасанг, ҳазрати Ҳақ жалла ва аъло мартабалардан ҳар бир мартабада Ўзидан ўзгани севган эмас". Назм:

"Йўҳиббуҳум ва йўҳиббунаҳу" чи иқрор аст!

Ба зери парда магар хеиро харидор аст!

Мазмуни: "Йўҳиббуҳум ва йўҳиббунаҳу" ("Аллоҳни севсалар, Аллоҳ ҳам уларни севади" сўзи) қандай иқрордир! Магар парда остида Аллоҳ Ўзига Ўзи харидордир! (Яъни, аслида фақат Ўзини Ўзи севгандир!). Бу маънолар Бобур таржимасида бундай ифодаланади:

⁶² Қоиди раҳ — йўлбошчи, раҳнамо, яъни Мухаммад (с.а.в.).

⁶³ Оли-Имрон сураси. 31-оят.

Балки, ҳар рутбада, яхиш боққил,

Ўздин ўзгани севмайдур, бил.

Агар У бир банданинг кўримли, чиройли, покиза ойнасини, яъни калбини севса, лутф назари билан боқса, тажаллий этса, билгилки, бу асло темир (ёки куруқ хурмо ёки аъробий хотин) мухаббати эмас, филҳақиқат, У Ўзини севибди, холос!

Кўрклуб кўзгусини гар севса,

Назари лутф бирла гар эвса,

Билгасенким, бу темур ҳубби эмас,

Филҳақиқат, Ўзини севди-ю, бас.

Бунинг учун мазкур кўзгу – калб «беғашу гил» (покиза) бўлмоғи лозим. Шунда илоҳий тажалли «анда акмил» бўлади. «Рашаҳот»да Хожа Аҳрор тил – кўнгил ойнаси, кўнгил – руҳнинг, руҳ – инсон ҳақиқатининг, инсон ҳақиқати – Аллоҳ таолонинг ойнаси, дея таъриф бергани келтириб ўтилади.

Чун Муҳаммадта, алайҳис-салот,

Равшану акмал эди бу миръот,

Нуридин анда тажаллий эди кўб,

Келди бу хилъат анинг бўйига ҳўб.

Ҳазрати Муҳаммаднинг бу ойнаси равшан — тиниқ ва мукаммал эди; у зотга салоту саломлар бўлсин. Шу боис Ҳақ нуридан бу кўзгуга тажалли кўп эди. Бу хилъат — бу нур ва тажалли либоси у зотнинг бўйига жуда муносиб эди.

Ушбу сатрлар орқали Хожа Аҳрор юқорида келтирилган ояти каримани шарҳлайди ва ўқувчига Расулни севиш провардида унинг қалбидаги илоҳий тажаллидан баҳраманд бўлган ҳолда илоҳий ишқдан баҳраманд бўлиш мумкин, деган хулосани беради.

Умматиға дағи пайравлиғидин

Еткуси баҳра, Борийдин ул ҳин.

Расулни севиш эса, унга итоат билан юзага келади:

Рутбаега, муни билгил, бешак,

Бўлмағай бетабаъиййат етмак.

Хожа Убайдуллоҳ Ҳақ йўлида юрган соликка муҳаббат борасида шундай ўғит беради:

Керак андоқки, кўнгулда мутлақ

Қолмағай ҳеч тааллуқ, жуз Ҳақ.

Гар муҳаббат санга бўлмас бу сифат,

Бор бу ҳуб мунқатиъ ўлмоққа жиҳат.

Аммо бу «ҳуб» – муҳаббат «мавҳиба», яъни Аллоҳ таоло томонидан ато этилган тухфа эканини ҳам эслатиб ўтади Хожа.

Агар кўнгилга Мавло – Аллоҳ муҳаббати йўл топса, унда бу кўнгил уйини бегонадан, яъни Аллоҳдан бошқа нарсалардан холи қилади. Ғайр — ёт нарсалар қалб уйидан чиқиб кетади:

Бу бўлур андаки, ҳубби Мавло,

Топса кўнглунга сенинг, истийло -

Ғайрдин кўнглунг уйин холи этар,

Бу уйунгдин сенинг азёр кетар.

Кўнглунга ҳеч тааллуқ қолмас,

Ғайри ихлос ила қуллуқ қолмас.

Шунда сўзланадиган барча сўз фақат У бўлади, кўз ниманики кўрса, фақат Уни мушоҳада этади:

Бўлғуси Анинг ила барча сўзунг,

Ани соғунғуси, не кўрса кўзунг.

Инсонлар кўнглини Аллоҳ Ўзига мойил этиб яратган:

Тенгри мундоқ бор этибтур, билгил,

Санга дойим бу йўсунлуқдур дил.

Мутакаллимдуру эшиткувчидур,

Кўргувчидур, бори иш эткувчидур.

Демак, Аллоҳ билан боғлиқлик қарор топгач, бу кўнгил гапирувчи, сўзловчидир, эшитгувчидир, кўргувчи ва барча ишни қилгувчидир. Чунки ҳадиси қудсийда Аллоҳ таоло: "Мен бандамни севдимми, бас, Мен унинг

эшитадиган кулоғи, кўрадиган кўзи, тутадиган кўли ва юрадиган оёғи бўлгайман", — деб марҳамат этади.

Деру эшитару кўрар, ҳосил —

Ангаву Ондину Они билгил.

Яъни, сўзлайди, эшитади, кўради, аммо сўзласа, фақат Унга сўзлайди; эшитса, фақат Ундан эшитади; кўрса, фақат Уни кўради, ҳамма нарсада фақат Унинг қудрати, санъатини мушоҳада этади.

«Рашаҳот»да Хожанинг қуйидагича мулоҳазалари зикр этилади: «Қушлар ижтимоъ эттилар то ўзларини Семурғга етурсалар, ҳар бири узр била йўл ўртасида қолдилар. Аммо, ҳар қайсидаким, Семурғдин бир нарса бор эди, Семурғга етушди».

Маълумки, ўттиз қушнинг Семурғга етишиши ҳақидаги қиссада, қушлар бир неча оғир водийлардан ўтиб, Семурғни топганларида, кўрдиларки, ушбу қушларнинг ҳар бирининг ўзига хос сифати Семурғда мужассам экан. Семурғга хос сифатлардан холи қушлар эса, йўлда қолиб қетдилар. Демак, Ҳаққа етишиш учун солиқ ўзида Унга оид сифатларни шакллантира бориши даркор. Бунга Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг «Аллоҳнинг сифатлари билан сифатланинглари», мазмунидаги ҳадиси шарифи мувофиқ келади.

Мансур Ҳаллож «Анал-Ҳақ» (Мен Ҳақман) дегани учун қатл этилганди. Хожа Аҳрор унинг хатосини тўғирлайди: «Қамол онда турурким, лафзи «ана» (мен)ни аввали калимадин кўтариб, ҳаргиз онинг ёдини этмагайлар. Яъни ошиқ фақат маҳбуб ҳақида ўйлаши, ўзини («Мен»ни) бутунлай унутиши керак. Буни Хожа Аҳрор яна қуйидагича шарҳлайди: «...Кўнгилга Ҳақ субҳанаҳу ва таолонинг жанобиға огоҳлик нисбати бар сабили завқ (завқланиш йўлида) ҳосил бўлур ва онинг ғайридин зухули дарст берур. Вақтеким, бу нисбат (алоқа) муттасил бўлса, давоми васлға мушарраф бўлуб турур».

Хожа Аҳрор сулук йўлига кирган солиқ, аввало, шариатга риоя қилиши, Аллоҳ ва Расули буюрган амалларни тўқис адо этиши лозимлигини уқтиради. Бу итоатни назарий жиҳатдан уч қисмга бўлади:

1. Қавл – сўзда итоат этиш.
2. Феъл – иш-амалда итоат этиш.
3. Ҳол – ботиний, руҳий итоат.

Булар Расулulloҳ (с.а.в.)га итоат билан рўёбга чиқади:

*Қавли тилга мутааллиқ, билгил,
Феъли зоҳирга тааллуқдур, бил.
Бўлди ботинга тааллуқ холи,
Хожанинг, бил, будурур ақволи.*

Яъни, «Расулнинг сўзи тилга тегишли, сўздаги мутобаат тилга боғлиқ. Феъли эса зоҳирга — ташқи иш-амалларга оид, яъни сўзда ҳам, амалда ҳам ҳазрати Пайғамбар(с.а.в.)нинг гўзал хулқлари билан хулқланмоқ, у зотнинг айтганларига, буюрганларига амал қилмоқ лозим. Ҳазрати Пайғамбарнинг холи ботинга — ички оламга тегишли бўлди. Хожа Убайдуллоҳнинг сўзлари ана шудир».

Шундан сўнг Хожа мазкур уч хил итоатни кенг шарҳлайди.

Хожа Аҳрор солиқ суфийлик йўлини тутаркан, ўзига муносиб пир топиши кераклигини ва унинг хизматида қоим бўлиш лозим эканини таъкидлайди: «(Тариқат йўлига кирувчи) ўзини бу тоифадин бир азизнинг суҳбатига етурсун. Ондин сўнг, керакким, сафарни тарк этиб, онинг мулозамати ва хизматини лозим тутсун ва иш қилсун, то вақтигаким, бу азизларнинг нисбатиға малака ҳосил қалсун ва бу нисбат онинг мулки бўлсун»⁶⁴. Бора-бора эса, «яқиний ҳосил этмак керакдурким, ҳеч сув они олиб кетмасун ва ҳеч ўт они ёқмасун».

*Кимки бу тоифа (суфийлар) бирла бадавом,
Ҳамнишинлиқ қилур ул, ул рангом.
Билгасенким, мутаассир ул ҳин,
Бўлғуси ботини ул ботиндин.
Ҳаққа майле санга бўлғай ҳосил,
Маши жоҳ мунқатиъ ўлғай санга дил.*

⁶⁴ Фаҳриддин Али Сафий. Рашаҳот. -Т.:Абу Али Ибн Сино, 2003. (1-рашҳа). -Б.357.

Инқитоъингча яна майл ортор,

Маши жоҳ мунқатиъ ўлмоғлиқ бор.

Неча ул кўп, яна бири дағ кўп,

Неча ул хуб, яна бири дағ хўб.

Яъни кимки ана шу орифлар, ошиқлар, валийлар тоифаси билан бардавом ҳамнишинлик қилса, суҳбатдош бўлса, билгилки, ўша вақт унинг ботини — ички олами уларнинг ботинидан — ички оламидан таъсир олади. Бу суҳбат таъсирида Ҳаққа майл ҳосил бўлади ва мол-дунё, мансаб иштиёқи кўнгилдан узилади. Мол-дунё ва мансаб фикридан узилган сари, Ҳаққа майл ортиб боради, мол-дунё ва мансаб майли эса тобора узилади. Жоҳга — мансаб ва мол-дунёга майл қанча кўп бўлса, яна биттаси янада кўплик қилади. Ҳаққа майл қанча яхши бўлса, яна бир ортгани янада яхшироқдир.

Солиқ руҳониятида сезилаётган ўзгаришлардан ғурурланиб кетмаслиги зарурлигини уқтириб, «агар бил-фараз манга беш юз йил умр бўлса ва ҳаммасини истиғфорға сарф этсам, ҳануз ул гуноҳнинг тадорукиниким, мандин содир бўлуб эрди, эта билмасман», дея камтаринликнинг олий намунаси ила бошқаларга ўрнак бўлади.

«(Шаҳватдан) кишига дағдаға (хавфсираш) бўлсаким, кадхудо (уйланган) бўлмоқ суннатий турур», дейди.⁶⁵ Бошқа ўринда нафс ғулғула қилгудек бўлса, аввало истиғфор айтишни, сўнгра таомланишни қисқартириб, кўпроқ рўза тутиш ва дин арбоблари, покиза кишилар билан кўпроқ бирга бўлишни ёки уйланишни тавсия этади. Бу Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг қуйидаги ҳадисига бир қадар мувофиқ келади: «Эй, ёшлар жамоаси, сиздан ким никоҳга қодир бўлса, уйлансин. У кўзни тўсувчи ва фаржни сақловчидир. Ким қодир бўлмаса, рўзани лозим тутсин, бу унинг учун бичилишидир»⁶⁶.

Ушбу мисоллардан аён бўладики, Хожа Аҳрорнинг тариқатга доир панд-насиҳатлари бидъатдан йироқ бўлиб, суннати набавияга асосланган эди.

⁶⁵ Рашаҳот. -Б. 361. 10-рашҳа.

⁶⁶ Саҳиҳи Бухорий. «Никоҳ» китоби.

Умуман, суннатга асосланиш нақшбандийликнинг бош тамойили эди. Баҳоуддин Нақшбанднинг ўзи: «Мақсудимиз – суннатни тирилтирмак», деган⁶⁷.

Тасаввуфга доир адаблардан энг асосийси – махсус вирд ва зикрларни дилу тилда такрорлаб юришидир. Турли тасаввуф муришлари ўз муридларига ўзига хос вирду зикрларни буюради. Хожаси Ахрор бу борада суннатга мувофиқ мавқеда:

*Вирду азкор ичида, эй огоҳ,
Афзали — "Лаа илаҳа иллаллоҳ!"*

Зеро, бу покловчи сўз куръондандир. Унда Аллоҳ таоло: **«Фаълам аннаҳу: лаа илаҳа иллаллоҳ!», яъни «(Эй Расулим!) билгинки, Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ»⁶⁸**, — деб марҳамат этади.

Ҳадиси кудсийда Аллоҳ таоло айтади: *«Агар осмонларни ва ерни ҳамда улар орасидаги бор нарсаларни, барча уммонларни ва улар ичидаги ҳамма нарсаларни тарозунинг бир палласига қўйиб, «Лаа илаҳа иллаллоҳ» (калимаси) бошқа палласига қўйилса, бу калима оғир келур!»⁶⁹*.

Яна Аллоҳ айтади: «Лаа илаҳа иллаллоҳ» – Менинг қалъамдир. Кимки Менинг қалъамга кирса, азобимдан эмин бўлур»⁷⁰.

Хожа фикрича, ҳар гал охирги нафас чиққанида, чиққан ҳар бир нафасни охирги нафас деб билмоқ керак. Аллоҳ билан шу йўсин боғланиб, алоқа қилиб, юқорида айтилган зикрга машғул бўлмоқ лозим. Зеро, йўл ана шу, мақсадга етмоқ чораси шудир.

Аллома «Лаа илаҳа иллаллоҳ»ни зикр қилиш одобини тушунтиради:

*Нафйда ҳар неки бордур, жуз Ҳақ,
Йироқ эткил кўнглунгдин мутлақ.*

Нафйда (рад этишда, яъни "Лаа илаҳа" деганда) Ҳақдан бошқа ҳамма нарсани кўнглингдан мутлақ йироқ қил.

⁶⁷ Баҳоуддин Балогардон. -Б. 58.

⁶⁸ Муҳаммад сураси, 19-оят.

⁶⁹ Абу Яъло ривояти.

⁷⁰ Абу Нуъйям, Ибн Нажжор, Ибн Асокир ривоятлари.

*Нафйдин сўнграки бор "иллаллоҳ",
Мунда етганда, эшит, будур роҳ:
Билки, маҳбуб била маъбуд Улдур,
Бори эл сожид-у, масжуд Улдур.*

Нафйдан кейин айтиладиган "иллаллоҳ" деганда эса ушбу йўлни тутгил: билгилки, маҳбуб ҳам, маъбуд ҳам Удир, яъни севилгувчи ҳам, ибодат қилингувчи ҳам, ибодатга лойиқ ягона Зот ҳам Удир. Бутун халқ сажда қилгувчи-ю, сажда қилингувчи ягона Зот Удир.

*Ҳар қачонким, сен агар десанг зикр,
Муни кўнглинг аро қилгайсен фикр.*

Қачонки зикр қилсанг, зикрни ва зикр қилингувчи Зотни кўнглингда фикр қил. Зикр билан фикр бирга бўлиб, ғафлатдан йироқ бўлиш даркор. Зикрдан ғафлатда қолган киши дурина йўқотган киши каби ачиниши, пушаймон бўлиши керак.

*Кимга бу ҳолки бўлса бе кийл,
Мутаассирлигига бўлди далил.*

Сўзсиз, кимда ўшандай ахвол юз берса, унинг қийин ахволда қолганлигига шу далилдир.

*Тарк қилсанг сен агар, лек кўнгул
Бурноғи ҳол ила бўлгай машғул.*

Агар зикринг доимий бўлса, мабодо сен зикрни тарк қилсанг ҳам, лекин кўнгил зикрга кўниккани боис, у ол-динги зикр ҳоли билан машғул бўлаверади.

Чунончи, Нақшбандия шайхи, марҳум доктор, профессор Махмуд Асъад Жўшон «Тасаввуф ва нафс тарбияси» китобида ёзади: «Қалбни ишловчан ҳолга келтирмоқ керак», — дейдлар. Ва яна: «Зикр қалбга ўрнашади. Ўрнашгач, одам ўзи гаплашса ҳам, ишласа, машғул бўлса ҳам, қалби: «Аллоҳ, Аллоҳ» деяверади. Одамнинг ичи бир олам, таши бир олам! Инсоннинг барча аъзолари зикр қиладиган ҳолга келгач, унга «зикри мудом» ҳоли ёки «султоний зикр» дейилади. Инсон ушбу ҳолатга етгач, бир марта

«Аллоҳ» деганда миллион марта «Аллоҳ» дегандек бўлди. Мана сизга олам-олам савоб». Шу жиҳатдан зикрнинг савобига ҳеч нарса тенг келмайди»⁷¹.

Яна Муҳаммад Зоҳид Қўтқу ибн Иброҳим ал-Бурсавийнинг кексалик ҳолларини эслаб, «Бир кун устоз толиқиб ухлаб қолдилар, ҳар бир нафас олишлари ва чиқаришларида «Аллоҳ, Аллоҳ!» зикри эшитилар эди», — дейдилар. Бундан, зикр қалбга ўрнашгач, чин зокир ухлаганда ҳам, қалби зикрда давом этиши англашилмоқда.

Ҳазрати Аҳмаджон Маҳдум раҳматуллоҳи алайҳ айтадилар: «Баҳовуддин Эшоннинг боболари Ҳисорга келганларида Шайх Муҳаммад Шариф Ҳисорий билан кучоқлашиб кўришадилар. Кейин Шайх Ҳисорий: «Эшоннинг кўксидан худди кабутар ноласидек «Ҳуу, Ҳуу!» зикрини эшитдим», — дейдилар.

Ҳазрати Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор айтадилар: «Ҳар вақт Занги Отонинг зиёратларига келсам, муборак қабрларидан тинмай «Аллоҳ, Аллоҳ» деган овоз эшитурман»⁷². Бу сўз Аллоҳ маърифати нури билан абадий тирик бўлган қалбларга оиддир.

Алишер Навоий Хожа Аҳрорни ўзининг маънавий устози – пири комил сифатида эҳтиром қилган. Унинг руҳий-маърифий ўғитларидан илҳомланиб, бу зотга нисбатан ўзининг чексиз ҳурмати ва ҳайратини “Ҳайрат ул-аброр” достонининг қуйидаги мисраларида баён этган:

Улки бу офоқ ичида тоқ эрур,

Тоқ неким муришиди офоқ эрур.

Мана шундай инсоний фазилатлари туфайли Хожа Аҳрор «яхшилар кутби», “шайхлар шайхи”, “аҳли тариқат пешвоси” каби сифатлар билан улуғланган. Аксарият манбаларда Хожа Аҳрор номи “Ҳазрати Эшон” тарзида эҳтиром билан тилга олинади.

⁷¹ Маҳмуд Асъад Жўшон. Тасаввуф ва нафс тарбияси. Т., 2001. Б.53-54.

⁷² Рашаҳот. -Б.18.

ХУЛОСА

Мўғуллар истилоси давридан юртимизда маданият таназзулга учрай бошлади. Аммо мўғулларга қарши озодлик кураши жараёнида юртимиз аҳолисининг диний тафаккурида кескин ўзгаришлар юз бериб, кубравия, нақшбандия каби суфийлик тариқатлари шаклланди. Жумладан, нақшбандия тариқати инсонпарварлик, саховат, бунёдкорлик каби умуминсоний ғоялар билан суғорилган. Ушбу тариқат “Дил ба ёру, даст ба кор” (“Қалбинг Аллоҳда, қўлинг меҳнатда бўлсин”) шиорини ўзига қоида қилиб олган. Унда нафақат имон-эътиқод, илоҳий қоидалар, балки дунёвий ғоялар, одоб-ахлоқ мезонлари мужассамлашган. Шунинг учун ҳам мазкур таълимот қатор алломаларимиз томонидан қўллаб-қувватланган ва унинг инсонпарварлик тамойиллари ҳозирги кунда ҳам ўзининг аҳамитяини йўқотмай келмоқда.

Хожа Аҳрор ҳазратлари нақшбандия тариқатининг йирик намояндаси, айни пайтда, ушбу тариқатнинг «Дил ба ёру, даст ба кор» деган пурҳикмат шиорини амалда юксак мақомга етказган шахс сифатида бутун ислом оламида шуҳрат қозонган.

Хожа Аҳрор валий Амир Темур тузган улкан салтанат парчаланаётган, темурий шахзодалар ўртасида тожу тахт учун кураш авж олган таҳликали ва ўта мураккаб даврда яшади. Шиддатли курашлар, хунрезликлар оқибатида эл-улус осойишталиги бузилди. Натижада кўплаб шаҳар ва кишлоқлар ҳаробага айланди, экин майдонлари пайҳон бўлди. Мана шундай шароитда Хожа Аҳрор эл-улус ва фуқаролар манфаатини кўзлаб, сиёсий воқеаларда иштирок этишга мажбур бўлди.

Гарчанд Нақшбандия тариқатига мансуб бўлган соликлар сиёсатдан узоқ туришни афзал кўрган бўлсалар-да, Хожа Аҳрор бу анъанани бузди. Сиёсий воқеаларга муносабат билдиришга ўзини бурчли ҳисоблади.

Хожа Аҳрорнинг султон ва подшоҳлар билан мулоқотда бўлиши шунчаки юксак мартаба, шахсий манфаат ва шуҳрат кетидан қувиш учун эмас, балки оддий фуқаролар манфаатини ҳимоя қилиш, золимларнинг зўравонлиги ва бебошлигини жиловлаш учун зарур эди. Хожа Аҳрорнинг

фикрича, “мазлум ва мухтожларга ёрдам бериш, мусулмонларни жабр-зулмдан ҳимоя қилиш учун подшоҳларга йўл топмоқ даркор”. Хожа Аҳрор тасаввуфдаги масалаларни янгича руҳда талқин қилган. У шундай деган эди: “Бизга қадар шайхлар авом халқ ишлари бўйича амирлар ва подшоҳларга илтимос билан мурожаат қилмаганлар. Биз ўз вақтимизни шунга сарфламоқдамиз”.

У халқ тақдири учун қайғуриш, султонларни адолатга чақиришни нақшбандия тариқати суфийларининг бурчи эканлигини уқтирган: “Бу замонда подшоҳлар ҳузурига бориб, мазлумлар ва ҳожатмандларнинг мушкулени осон қилишдан яхши ҳислат бўлмас. Шунга эришмоқ лозимки, бир мазлумнинг арзини султонларга етказиб, унга мададкор бўлиш, адолатсизлик ҳамда зулмни бартараф қилиш учун барча куч ва ғайратни аямаслик керак”.

Султон Абу Саъид Мирзо ва унинг ўғли Султон Аҳмад Мирзо ҳукмронлиги даврида Хожа Убайдуллоҳнинг мавқеи ошади. Чунончи, бу даврга келиб, Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг турли шаҳар, қишлоқларида Хожа Аҳрорга қарашли мол-мулк, ер ва катта бойликлар вужудга келади. Абу Саъид Мирзонинг фармони билан Хожа Убайдуллоҳга қарашли ер ва мулкдан ушр (ўндан бир) миқдорда солиқ олинадди, холос. Бошқаларнинг ер ва мулкларидан эса унга қўшимча яна бошқа солиқлар ҳам ундириладди. Бу эса деҳқонларни ниҳоятда қийин аҳволга солиб қўярди. Шунинг учун кўпчилик деҳқонлар ерларини Хожа Убайдуллоҳга назр қилиш билан унинг номига ўтказардилар-у, ўзлари ўша ерларда ишлашни давом эттиришарди.

Хожа Аҳрор ўз ихтиёридаги ер ва мулкдан келадиган даромадларни халқ бошига солинган ортиқча солиқларни тўлашга, мадраса, масжид, хонақоҳ ва бошқа қурилишларга сарфларди. Хусусан, Умар Шайх Мирзо Шош (Тошкент) аҳолисидан 250 минг динар ҳажмида солиқ талаб қилганида, Хожа Аҳрор бу солиқнинг ҳаммасини ўзи тўлаб, яна қўшимча тарзда 70 минг динарни ҳам солиқ тўловчиларга топширган. Буларнинг барчаси меҳнаткаш

аҳоли назарида Хожа Убайдуллоҳни сахий-қўли очик ва покиза шахс сифатида намоён этарди ва уни Хожай Аҳрор деб улуғлашарди.

Хожа Аҳрор валий нафсга берилиш туфайли ўлган қалбларни тирилтириш ва маънавий камолотга эриштиришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Шу мақсад йўлида бутун умрини сарфлайди. Ғафлат кўнгил ўлимининг сабабчисидир, кўнгилнинг ҳақиқий ҳаёти огоҳлик ва хузурдир, дарвешлик доимий тарзда зикр айтиш билан машғул бўлиш эмас, балки пайғамбаримизнинг олижаноб хулқларини, юмшоқлик, карам, саховат, мардлик, ҳиммат, камтарлик ва бошқа фазилатларини ўрганиш ва ўзлаштиришдан иборатдир. Бутун ҳаёти фаолиятида Хожа Аҳрор валий ислом тарихида муҳим ўрин тутган суннийликнинг барча ақидаларини ўзида мужассамлантирган нақшбандийлик тариқатининг янада кенг қўламда ёйилиши ва ривожланишига саъй-ҳаракатлар қилган.

Хожа Аҳрор валий давлат арбоби сифатида катта эзгу ишларни амалга оширган, ўзаро ички урушларни тинч йўл билан ҳал этиш, урушларни тўхтатиш, адолат тантана қилиши учун бор кучини аямаган. Хожа Аҳрор валий ўз эзгу ғояларини амалиётга тадбиқ этишга эришган: сўфий ўзини ҳалос этмайди, балки у дунёни ҳам қутқаради, дунёни қутқариш учун сўфий унинг устидан ҳукмронлик қилиши лозим бўлади, дунёнинг устидан ҳукмронлик қилиш учун у билан фаол муносабатда бўлиши керак, дейди.

2004 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Хожа Аҳрор валий таваллудининг 600 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди. Қарорга кўра, тадбирга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита тузилди; Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Самарқанд вилояти ҳокимлиги, Тошкент ислом университети, Ўзбекистон мусулмонлари идораси билан биргаликда Хожа Аҳрор валий асарларининг қўлёзмалари манбаларини кенг, холисона талқин ва ёндашувлар асосида ўрганди, алломанинг ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги замонавий тадқиқотларни тўплади ва нашр этди; Самарқанд шаҳрида “Хожа Аҳрор валийнинг Марказий Осиё тарихи ва маънавиятида тутган ўрни”

мавзуида республика илмий-амалий конференцияси ўтказилди; алломанинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган тарихий-ҳужжатли фильм суратга олинди; Маданият ишлари вазирлиги Самарқанд вилояти ҳокимлиги билан биргаликда Хожа Аҳрор Валий Самарқанд туманидаги меъморий мажмуасини таъмирлаш ва унинг атрофини ободонлаштириш ишларини амалга оширди; «Ўзбектуризм» компаниясига Самарқанд вилояти ҳокимлиги, Республика «Маънавият ва маърифат» маркази, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, «Нуроний» жамғармаси билан биргаликда Хожа Аҳрор валий номи билан боғлиқ кадамжоларга юртдошларимизнинг зиёратларини кенг миқёсда ташкил этишни йўлга қўйди; оммавий ахборот воситаларида Хожанинг ҳаётий фаолияти, илмий мероси ва ижтимоий-маънавий қарашлари ёритиб борилди.

Хожа Аҳрорнинг ижтимоий-сиёсий фаолияти истиқлол туфайли вужудга келган янгича руҳ ва мазмундаги тарихшуносликнинг, қолаверса, исломшуносликнинг долзарб масалалари сирасига киради. Шу боисдан мазкур мавзу яна янги илмий изланишларда қўлёзма манбалар ва замонавий тадқиқотлар асосида мукаммал тадқиқ этилишини тақозо этади.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати:

Расмий адабиётлар

1. Каримов И.А Аллоҳ қалбимизда, юрагимизда. -Т.: Ўзбекистон, 1998.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. -Т.: Ўзбекистон, 1998. - 586 б.
3. Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. Т.: Ўзбекистон, 1998.
4. Каримов И.А. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. -Т.: Ўзбекистон, 1999.
5. Каримов И. Маънавий юксалиш йўлида. Т.: «Ўзбекистон». 1998.
6. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – 40 б.
7. Каримов И.А. Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-қудратимизга, халқимизнинг букилмас иродасига боғлиқ. – Т.: Ўзбекистон, 2004. – 400 б.
8. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 176 б.

Адабиётлар

9. Хожа Аҳрор Валийнинг Марказий Осиё тарихи ва маънавиятида тутган ўрни» (Илмий-амалий анжуман маърузалари тезислари). -Т., 2004.
10. Bakhtiyar Babajanov. La Naqshbandiyya a l'epoque des premiers Sheybanides. – Cahiers d'Asie Centrale. № 3-4.
11. Devin de Weese. The Mashaikhi turk and the Khojagon: Rethinking the Links between Yasavi and Naqshbandi Sufi Traditions. – Journal of Islamic Studies, 7:2 (1996).
12. Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. Мукаммал асарлар тўплами, 17-том. -Т., 2001.
13. Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. Мукаммал асарлар тўплами, 17-том. -Т., 2001.
14. Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. -Т.:Фан, 1961.

- 15.Бобур З.М. Бобурнома. Т., 1991.
- 16.Бойқобилов Б. Ҳайратул аҳрор («Янги хамса» мажмуаси). Т., 1998.
- 17.Бухорий Носируддин. Тухфатуз-зоъирин. Бухоро чопаси, 1909.
- 18.Буюк алломаларимиз.-Т., ТИУ, 2002.
- 19.В.В.Бартольд. Улугбек и его время. Соч. Т.2, ч.1, М., 1964.
- 20.Валихўжаев Б. Хожа Аҳрори Валий. Самарқанд, «Зарафшон», 1993.
- 21.Жомий, Абдуррахмон. Нафаҳот ул-унс. Лакҳнав-Ҳиндистон нашри, 1910.
- 22.Каттаев К. «Гулистон» журнали. №3, 1991 йил март.
- 23.Кенжабек, Мирзо. Дунёнинг муршиди. Т.: «Фан», 2004.
- 24.Мажмуаи мурсалот. ЎзФА ШИ Қўлёзмалар Фонди.. Инв. № 2178.
- 25.Махдуми Аъзам Дахбедий. Танбиҳ ус-салотин. Самарқанд, 1994.
- 26.Махмуд Аъсад Жўшон. Тасаввуф ва нафс тарбияси. Т., 2001.
- 27.Мерос (тўплам). Т., «Камалак», 1991.
- 28.Муҳаммад қози. Силсилат ул-орифин. ЎзР ФА Шарқшунослик институтининг 4452/1 рақамли қўлёзмаси).
- 29.Н.А.Болдирев. Ещё раз к вопросу о Ходже Ахраре. В сб. «Духовенство и политическая жизнь на Ближнем и Среднем Востоке в период феодализма. М., 1985.
- 30.Нақшбандия тариқатига оид қўлёзмалар фихристи. Т.: «Фан», 1993.
- Кенжабек, Мирзо. Дунёнинг муршиди. Т.: «Фан», 2004.
- 31.Олимшайх Азизон. Ламаҳот. Т., Гулом Ҳусайн чопхонаси, 1327 /1908.
- Доро Шукуҳ. Сафинатул-авлиё, Лакҳнав-Ҳиндистон чопаси, 1900.
- 32.Самарқандские документы - ХУ-ХУ1 вв. -М.:Наука, 1974.
- 33.Фахриддин Али Сафий «Рашаҳот». Т., «Абу Али Ибн Сино». 2003.
- 34.Хожа Аҳрор Валий зиёратгоҳидаги қабртош ёзувлари. -Т.: «Мовароуннаҳр». 2004.
- 35.Хожа Аҳрор Валий. Рисолаи ҳавроийя. ЎзФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди. Инв. № 507/1.

- 36.Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Рисолаи волидия. Т., 2004 (кирилл ва араб ёзувларида).
- 37.Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Рисолаи волидия. Т., 1995.
- 38.Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Фақаротул-орифийн. Т., Орифжонов типолитографияси, 1910.
- 39.Ғойиблар хайлидан ёнган чироқлар. Т.: «Ўзбекистон». 1994.
- 40.Ҳазрати Хожа Аҳрор Валий Насабномаси. Т., 2004.
- 41.Ҳалимов Фирдавс. Хожа Аҳрор Валий ва унинг «Рисолалар тўплами». Самарқанд, 2004.
- 42.Ҳасаний, Махмуд. Хожа Аҳрор Валий мероси. Имом ал-Бухорий сабоқлари, 2004 йил, №2.
- 43.Ҳофиз Таниш Бухорий. Шарафномаи шоҳи-Абдуллонома. -Т.:Фан, 1996.